*Adabiyot, madaniyat yashasa — millat yashaydi*



# O‘zbekiston adabiyoti va san’ati

1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan | ADABIY-BADIIY, MA’NAVIY-MA’RIFIY, IJTIMOIY GAZETA | 2021-yil 26-fevral / № 9 (4616)

## ЁЗУВ — КЎЗГУ, УНДА ЎЗИМИЗ АКС ЭТАМИЗ

*Мамлакатимиз ижтимоий ҳаётининг барча жабҳаларида муҳим ўзгаришлар содир бўлмоқда. Айниқса, миллий таълим ва маънавий-маърифий соҳалардаги янгича ёндашувлар ҳар биримизни қувонтиради. Бинобарин, Вазирлар Маҳкамасининг “Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига босқичма-босқич тўлиқ ўтишни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳам келажак авлод равнақи йўлида қўйилган дадил қадамлардан бири бўлди.*

Қарорда қайд этилишича, 2023 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда ўзбек лотин алифбосига тўлиқ ўтилади: иш юритиш лотин ёзувига тўлиқ ўтказилади, ҳозирда амалда бўлган кирилл ёзувининг амал қилиш муддати тугайди. Аммо бу орада қилинадиган ишлар талайгина. Биз бундай жараёнда лоқайд бўлмаслигимиз, қарорда кўрсатилган “Йўл харитаси”даги бандларнинг ўз вақтида амалга оширилишида фаол иштирок этишимиз зарур. Хўш, бу нималардан иборат?

Аввало, ҳар қандай тилнинг бирлигини таъминловчи асосий восита – имло қоидаларини тасдиқлаш зарур бўлади. Тўғри, 1995 йил 24 сентябрда тасдиқланган “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” ҳозирги кунда лотинча ёзишмаларда амал қилади. Бироқ мазкур қоидалар ўзбек тили табиатини тўлиқ қамраб олмаган, товуш ва ҳарф муносабати тўлиқ ҳал этилмаган. Хусусан, рус тили ва Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар имлоси кўрсатиб берилмаган. Охир-оқибатда эса ҳозирги ўзбек имлосида қатор чалкашликлар, бир-бирини инкор этувчи ҳолатлар юзага келмоқда.

Маълумки, ҳозирги ахборот асрида асосий ишлар компьютер дастурлари орқали бажарилади. Жумладан, кириллча ёзувдан лотинчага ёки лотинчадан кириллчага ўгирадиган дастурлар мавжуд. Айримлар бу ишни соф техник масала деб қарайди. Аслида-чи? Бир ёзувдан иккинчи ёзувга айлантиришнинг ўзи соф техник масала бўлиши мумкин. Бироқ унгача бўлган жараёнлар жуда катта меҳнатни талаб этади. Бунинг учун транслитерация қоидаларини пухта ўзлаштириш, ҳарфлар мутаносиблигини чуқур ўрганиш, ҳарф ва ҳарфлар бирикмаси орасидаги мувозанатни тўғри англаш, саноқ сонлар ва тартиб сонлардаги ўзига хосликни сақлаб қолиш каби бир қатор муаммолар борки, аввало, уларни ҳал этиш, тўғри ечимларини топиш зарур бўлади. Бу борада ҳам субъектив ёндашувга йўл қўйиб бўлмайди. Негаки, ҳар бир компьютер дастурчиси ўзи яратган дастур асосида эмас, балки техник имкониятлари ўзаро келишилган, ўзбек тилининг имло қоидаларига тўлиқ мос тушадиган дастурларни тавсия этиши лозим.

►2

*1 март — шоира Зулфия таваллуд топган кун*

## СЕНИ КУЙЛАЙМАН, ҲАЁТ!



**Яшаш азиз ҳисси танда кезганда,**
**Умр кўпи кечиб, армон дилни эзганда,**
**Ҳатто ўзни хаста, заиф сезганда,**
**Оғир, бенаф ўйдан юрак безганда**
**Сени куйлайман, ҳаёт!**

**Ҳар саҳфанг ўқилгич янги бир китоб,**
**Ўтмишми, эртами туғилар ҳар боб —**
**Яшаш ва ёзишга қилганда хитоб,**
**Сукут хижолатин енгмоқ азмида**
**Сени куйлайман, ҳаёт!**

**Ҳар фасл бир ажиб тароват тўкса,**
**Тўкин куз ҳосили шохларни букса,**
**Янги ризқ – ёмғир, қор тоғларга чўкса,**
**Баҳор гулин кўзга суртмоқ азмида**
**Сени куйлайман, ҳаёт!**

**Сен ўзинг кун сари ўсган фарзандим,**
**Гоҳ чақноқ шодлигим, гоҳ аччиқ зардим,**
**Меҳнат зафарларим, бешифо дардим,**
**Дўстдан меҳр — мактуб кутмоқ азмида**
**Сени куйлайман, ҳаёт!**

**Сенинг ўзинг ширин ва тансиқ туҳфа,**
**Ҳар умр бахт, шонин йўғирар пухта,**
**Йўғирмоқ минг тахлит ва минг бир турфа;**
**Бу мактабни қайта ўтмоқ азмида**
**Сени куйлайман, ҳаёт!**

**Куйлайман, куйламоқ кун сари мушкул,**
**Мен сенман, сен менинг борлигим буткул,**
**Елкамга юк ортиб, қўлимдан тутгил,**
**Бу бахтни назмга тўкмоқ азмида**
**Сени куйлайман, ҳаёт!**

***ЗУЛФИЯ,***
***Ўзбекистон халқ шоири***

## БИРИНЧИ КИТОБЛАР ҚУВОНЧИ

ТАҚДИМОТ

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида чоп этилган китоблар тақдимоти бўлиб ўтди. Ўн беш нафар ёш ижодкорнинг китоблари 2018 йили ўтказилган Республика ёш ижодкорларининг Зомин семинарида нашрга тавсия этилиб, “Ижод” жамоат фонди томонидан молиялаштирилган.*

Тадбирда Президентимизнинг 2018 йил 5 апрелдаги “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ҳамда давлат раҳбарининг 2020 йил 25 декабрда Ўзбекистон ёшлари форумида сўзлаган нутқида белгиланган муҳим вазифалар ижросини таъминлаш, 2021 йил – Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш йили муносабати билан амалга оширилаётган кўламли ишлар жамиятимизнинг барча жабҳаларида ёшларнинг фаоллигини оширишга хизмат қилаётгани қайд этилди.

Сўзга чиққан Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири Сирожиддин Саййид Президентимизнинг Наманган вилоятига ташрифи ҳамда БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича кенгаши 46-сессиясида сўзлаган нутқидан олган таассуротлари ҳақида гапириб, муаллифларни илк китоблари билан қутлади, уларга ижодий парвоз тилади. Сўнг шеърий тўпламлари тақдимотдан ўрин олган Равшан Ҳақмурод, Азиз Норқулов, Шаҳриёр Шавкат, Нажмиддин Эрматов, Муҳаммад Сиддиқ сингари ўн беш нафар ёш ижодкорнинг китоблари ўқувчилар эътиборига ҳавола этилди. Яна бир гуруҳ ёшларга Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасига қабул қилингани муносабати билан аъзолик гувоҳномалари топширилди.

– Аввалги йилларда ёш истеъдодлар “Биринчи китобим” лойиҳаси доирасида ўз тўпламларини чиқариш учун 30 ёшга тўлмаган ва албатта, Зомин семинарида иштирок этган бўлишлари шарт эди, – деди Сирожиддин Саййид яна бир янгиликни эълон қиларкан. – Турли сабабларга кўра семинарга бора олмаган ёш ижодкорларнинг илк китобларини Уюшма томонидан чоп этиш имконсиз эди. Эндиликда илк китоби чоп этиладиган истеъдодларнинг ёш чегараси 35 ёш деб белгиланди ва Зомин семинарида иштирок этган бўлишлари шарт эмас.

Ёзувчилар, шоирлар, драматурглар, адабиётшунос олимлар, таржимонлар, бахшилар ва ёш ижодкорлар иштирок этган маросимда муаллифларга қалам ҳақи ва ўз китоблари топширилди.

Ўзбекистон халқ артисти Гулсанам Мамазоитова ижросидаги куй-қўшиқлар даврага кўтаринки кайфият улашди.

**Шуҳрат АЗИЗОВ**

## ҲАҚИҚАТНИ АНГЛАШ ҲИССИ

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Шеърият кенгашининг 2020 йил якунига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтди. Кенгаш раиси, Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоир кенгашнинг ўтган йилги фаолияти ҳақида қисқача ахборот берганидан сўнг филология фанлари номзоди Олим Тўлабоев ўтган йили чоп этилган шеърий тўпламлар, филология фанлари доктори Шомирза Турдимов янги ёзилган достонлар, филология фанлари номзоди Абдулла Улуғов даврий матбуотда ёритилган шеърлар ва шоир Азиз Саид ёшларнинг биринчи китоблари ҳақида маъруза қилди.*

“Шоирлар барча замонларда ҳам халқнинг умумруҳи улғайишига барчадан кўпроқ ҳисса қўшиб келган. Чунки улар ҳаёт ҳақиқатини бошқалардан кўра теранроқ англайди, – деди Абдулла Улуғов. – Бу ҳолатни 2020 йил газета-журналларда босилган шеърлар ҳам тасдиқлайди. Айни шеърлар мавзу жиҳатидан ранг-баранг бўлиб, уларда замондошлар турмушидан, дунёда кечаётган турфа ҳодисалардан таъсирланган шоирларнинг кечинмалари акс этган”.

Матбуотда эълон қилинган шеърларда “Covid-19” сабоқлари етакчи мавзулардан бири бўлгани ҳолда Усмон Азим, Хуршид Даврон, Мирзо Кенжабек, Ҳалима Аҳмедова, Гуландом Тоғаева, Хосият Рустамова, Ойдиннисо, Ўлмасой Нишонова, Наргиза Одинаева ва бошқаларнинг турли мавзулардаги шеърлари ўқувчилар эътиборини қозонгани таъкидланди.

Ўтган йил давомида ўнлаб шеърий тўпламлар чоп этилди. Ёзувчилар уюшмаси томонидан нашрга тайёрланган “Уруш, номинг ўчсин жаҳонда” номли шеърий тўплам, Миразиз Аъзамнинг “Хотиралар”, Энахон Сиддиқованинг “Ҳақ қадаҳи”, Хосият Бобомуродованинг “Бахт майдони”, Зулфия Мўминованинг “Болага китоб беринг!” сингари шеърий тўпламлари ҳам шулар сирасидан. Тадбирда, жумладан, танниқли шоирлар Йўлдош Эшбекнинг “Сени сўроқлайман” ва Абдумажид Азимнинг “Тонг табассуми” китобларидаги шеърларнинг ўзига хос жиҳатлари, Саъдулла Ҳаким, Икром Отамурод, Турсун Али сингари таниқли шоирларнинг достонлари ҳам ўз ўқувчиларини хушнуд этгани айтиб ўтилди.

Шоир Азиз Саид ўтган йили чоп этилган ўн беш нафар ёш шоирнинг илк китоблари ҳақида сўзлаб, шеъриятимизга янги бир тўлқин кириб келаётганини таъкидлади.

Маърузалар юзасидан Рустам Мусурмон, Берди Раҳмат ва бошқалар сўзга чиқиб, ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

**Ўз мухбиримиз**

►2

## ТАНҚИД МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

МУНОСАБАТ

*Агармаданиятдегандабизодобликни,сертавозеликни фаҳмласак, унда бу тушунча хийла тор талқин қилинган бўлади. Билим ва савиянинг баландлиги, инсоф ва одиллик, керакли гапни керакли ўринда айтиш, айтганда ҳам кўр устига сув сочгандай тўзғитиб эмас, чанқоқ ернинг ташналигини қондиргандай қилиб сингишарли тарзда айта олиш ҳам маданиятга киради.*

Агар кимдир, бугунги ўзбек адабий танқидчилиги ночор ҳолда, давр талабларидан орқада қолган, деб айтса, масалан мен, бунга қўшилмас эдим. Маълум бир вақт фаол бўлмаслик бу ҳали ортда қолганлик аломати эмас. Шунчаки, ҳар қандай жараёнда бўлгани каби танқидчиликда ҳам шиддат билан кечадиган даврлар билан бирга бир муддат тин олиш, “нафас ростлаш” фурсатлари бўлиб туради. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддиновдай танқид дарғалари қўлидан тушган байроқ, эҳтимол, аввалгича шиддат билан ҳилпирамаётгандир, аммо у ерга тушиб ётгани ҳам йўқ, давр шамолининг эсишига интиқ бўлиб ўша юксаклигида турибди. Синчков, сўз санъатининг томир уришини яхши пайқайдиган мунаққидларимиз бор, улар бугун чоп этилаётган ҳар бир асарга пешма-пеш баҳо беришга ошиқмаётган бўлса, буни танқидчиликнинг пароканда бўлганлигига йўйиш анойиликдир.

Адабий танқид – санъат, санъат бўлганида ҳам илм билан омухталанган юксак санъат. Шундай экан, ҳар бир танқидий чиқиш ана шу юксак санъат, маданият намунаси бўладиган бўлса, унга ҳамиша эҳтиёж бор. Чунки чинакам танқид сўз санъатини парваришлайди, камол топтиради...

Мен бу даромади гапларни яқинда айрим ижтимоий тармоқларда эълон қилинган бир-икки “адабий-танқидий” чиқишлар муносабати билан, гапнинг индаллосига ўтақолсам қўпол чиқмасмикин, деган тараддуд туфайли қоралаб ўтирибман. Аммо озарбойжонлар, мус-мус деявермай, Мусо деб қўяқол, дейишади, бизда эса, шап-шап дегунча шафтоли, деган матал бор.

Ҳамонки адабиёт – санъат деяр эканмиз, уни ҳар ким ўз ҳолига қараб англашига, шунга яраша қабул қилишига ҳам йўл қўйиб бериш лозим. Фақат менинг фикрим тўғри, мен қайси адиб ижодига қанақа баҳо берсам, ҳақиқат шу, бошқалар эса буни қабул қилиши шарт, деб ўйлаганлар янглишади.

Ярим йилча бўлиб қолди, бир инимиз ҳар қайси шоирни баҳолаб чиққанини кўрувдик. Шеърга, шоир асарларга эмас, ижодкорнинг ўзига бир чимдимдан аччиққина баҳо, вассалом. Буниси сал ярайди, мана бу эса бир пулга қиммат ва ҳоказо гаплар. Биз адиб деб юрган, эл таниган кўп ижодкорлар далил-исботсиз, таҳлилсиз, шоир эмас, деб дангал рад этилган-қўйиган. “Мен танқидчи, истасангиз – шу”, дегандай бир тўнг қараш бор эди.

Ажабки, айримлар қўлга қалам олиб, адабиёт ҳақида танқидий мақола ёзишга чоғланаркан, ўзини хирмондаги тарозибондай тутади – буники тош босади, унисининг эса салмоғи йўқ... вассалом!

Айниқса, газета ва журналлардаги мақолаларга қараганда ҳайт десангиз қувалаб юриб босадиган “сайт”ларда шоша-пиша, оғизга келгани қайтармай ёзиладиган адабий танқидий материаллар чиқадиган бўлиб қолгач, валломат мунаққидларнинг куни туғди.

►2

### БИЛДИРИШ

2021 йил 26 февраль, жума куни соат 15:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Бадиий таржима** кенгашининг 2020 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

* * *

2021 йил 2 март, сешанба куни соат 15:00да Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида **Наср** кенгашининг 2020 йил якунларига бағишланган ҳисобот йиғилиши бўлиб ўтади.

Ушбу тадбирларга барча қизиққанлар таклиф этилади.

*Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси*

ЛУҚМА

## «ТИРИКЧИЛИКНИНГ АЙБИ ЙЎҚ...»МИ?

Ижтимоий тармоқларда билдирилаётган айрим фикр-мулоҳазаларни ўқиб, феъл-атворимиз ва баъзи тушунчаларимиз ҳақида ўйланиб қоласан, киши. “Тирикчиликнинг айби йўқ”, деб паст кетвормаяпмизми, ўртоқлар? Кимдир Японияда фалон пулга фаррошлик иши бор экан деса, ҳамма изоҳ ёзаётганлар “кетаман”га тушиб қолибди. Ҳатто биттаси, “Ўқитувчилигимни ташлаб фаррош бўлиб ишлашга розиман”, дебди-ей.

Тўғри, тирикчиликнинг айби йўқ, фаррошларни ҳурмат қиламиз, улар меҳнатини қадрлаймиз, лекин бунақамас-да, энди. Фаррошлик билан тараққиётга эришиб бўлмайди-ку. Ахир, кечагина ўзларинг “оқсоч тайёрлашимиз керак” деган бир масъул раҳбарни роса маломат қилиб ётувдинглар. Фаррошлар ҳам керак, юрт саранжомлиги шуларга ҳам боғлиқ, лекин ўзга юртларга бориб, ўзимизни бу тарзда ерга урмайлик. Олимликка даъвогар бўлайлик, инженерликка, академикликка даъвогар бўлайлик. Қачон “Тирикчиликнинг айби бор”, деб ўйларканмиз-а?

**Барно СУЛТОНОВА**

# ЁЗУВ — КЎЗГУ, УНДА ЎЗИМИЗ АКС ЭТАМИЗ

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада**

Масалан, январь ва сентябрь сўзларида я ҳарфи иштирок этади. Лекин уларнинг ўзбек лотин алифбосида берилиши бир хил бўлмайди: yanvar, sentabr. Шу боисдан ҳам бу борада ягона талаб ишлаб чиқилиши шарт.

Бир ёзув тизимидан иккинчи бир ёзув тизимига ўтиш ўрганувчидан маълум бир кўникмаларни талаб қилади. Инчунин, янги ёзув – лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосидан фойдаланиш учун руҳий-психологик тайёргарлик зарур бўлади, хусусан, маълум бир кўз кўникмаси шакллантирилиши керак. Чунки инсон психологияси шундайки, ҳозирга қадар фойдаланиб келган ёзувидан ҳеч воз кечгиси келмайди, имкон қадар ўша ёзувдан фойдаланишга ҳаракат қилади. Демак, бу борада ўзбек лотин алифбоси бўйича сабоқлар – ўқув машғулотлари лозим бўлади. Бундай машғулотлар ўрганувчиларнинг ёши, касб-кори, қизиқиш доирасига қараб олиб борилмоғи шарт. Шахсан ўзим ўтган асрнинг 90-йилларида бу борада кўпгина ташкилот ходимларига сабоқ берганман, маълум бир тажриба тўплаб “Ўзбек лотин алифбоси ва имло қоидалари” номли қўлланма тайёрлаган эдим. Назаримизда, лотинча имлони қисқа курсларда ўқитиш ёки мустақил ўрганувчилар учун оммабоп қўлланмалар яратиш долзарб вазифага айланади.

Ҳар қандай янгилик, аввало, оммавий ахборот воситаларида тарғиб-ташвиқ этилсагина маълум бир натижа беради. Жумладан, лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосининг моҳияти ҳам кенг жамоатчилик орасида тарғиб этилиши, мазмун-моҳияти етказиб берилиши лозим. Шундай экан, барча газета-журналларимиз, радио-телевидение ҳамда ижтимоий тармоқларда бу борада тизимли ишлар йўлга қўйилиши мақсадга мувофиқдир. Инчунин, барча газета-журналлар 2023 йил 1 январини кутиб ўтирмасдан ўз материалларини лотинча имлода бериши лозим. Чунки энг қизиқарли мақола ва суҳбатлар, бадиий ижод намуналарининг ўзбек лотин алифбосида бериб борилиши янги имлонинг тез ўзлаштирилишига сабаб бўлади. Фақат бу ўринда шуни таъкидлаш ўринлики, берилаётган матнлар тўғри ёзилган бўлиши шарт. Акс ҳолда оммани чалғитиб, улардаги имло саводхонлигига путур етиши мумкин.

Юртимиз аҳолисининг катта қисмини ёшлар ташкил этади. Уларнинг кўпчилиги таълим муассасаларида: ўрта мактаб, техникум, коллеж ва лицейларда, олий таълим даргоҳларида таҳсил олади. Тўғри, талаба ёшларимиз лотин алифбосида савод чиқарган, янги алифбонинг сир-асрорлари билан яхши таниш. Лекин, очиғини айтганда, ҳозирги пайтгача улар фойдаланаётган адабиётларнинг аксарияти кириллча имлода нашр этилган. Энди эса уларни тўлиқ лотинча имлода нашр этиш зарур бўлади. Бунинг учун жуда катта маблағ ҳамда малакалиноширларни тайёрлашга тўғри келади. Бу эса ўз-ўзидан амалга ошадиган иш эмас. Аввало, нашриёт ходимлари ўзбек лотин алифбосининг имкониятларини чуқур эгаллаши, нозик нуқталарни идрок этиши лозим. Айниқса, ўзлаштирилган сўзлар имлосини пухта эгаллашга тўғри келади. Масалан, кириллча алифбомизда “ёлашган унлилар” деб номланувчи е, ё, ю, я ҳарфли сўзларни янги алифбода бериш ўта нозик муаммолардан саналади. Негаки, ҳозиргача кириллча ёзишмаларда бирор орфографик муаммо туғилмаган, аниқроғи, ўзлаштирилган сўзлар рус тилида қандай ёзилса, ўша тахлитда ўзбек тилида ҳам қайтарилган. Энди эса вазият тубдан ўзгарди: ўзлаштирилган сўзларда рус тили қоидаларига таяниб бўлмайди, янги имло қоидаларига зарурат туғилади. Масалан, июнь, июль, бюджет, сюжет каби сўзларда ю ҳарфи қўлланади. Уларни лотинчага ўгириш-транслитерация қилишда эса алоҳида ёндашув тақозо қилинади: iyun, iyul, budjet, sujet. Кўринадики, ю ҳарфининг қачон yu, қайси ҳолатда u ҳарфи билан берилишини пухта ўзлаштириш зарур бўлади. Айни пайтда ц ҳарфли сўзлар, айириш (ъ) ва юмшатиш (ь) белгили сўзлар имлоси ҳам жиддий ёндашувларни тақозо этади. Бунинг учун нашриёт ходимлари: муҳаррир мусаҳҳиҳлар ўзлаштирилган сўзлар имлосини назарий жиҳатдан эгаллашлари, амалда тўғри қўллай олиш малакасига эга бўлиши лозим.

Айни шу ўринда ёзув амалиёти учун дарслик, ўқув-услубий қўлланмалар билан бир қаторда луғатларнинг аҳамияти беқиёс эканини таъкидлаш зарур. Аввало, амалий эҳтиёждан келиб чиқиб имло луғатларини тезда чоп этиш зарур бўлади. Айни пайтда турли соҳаларга доир атамалар-терминлар луғатини, жой номларининг тўғри ёзилишини кўрсатувчи луғатлар ҳамда киши исми ва фамилиялари тўғри акс эттирилган луғатларга, шунингдек, ўқув луғатларига жуда катта эҳтиёж сезилади. Айниқса, Европа тилларидан ўзлаштирилган сўзлар имло луғатини тезда чоп этиб, амалиётчиларга етиб боришини таъминлашимиз керак.

Назаримизда, ҳозирга қадар ҳукм сураётган имловий чалкашликлар фуқароларимиз исм-фамилияси билан боғланиб кетади. Бинобарин, Юлдашев, Султонходжаев, Иргашев, Юльчиев каби шаклларда ёзилган ҳолатлар жуда кўп. Масалан, бир биродаримизнинг фуқаролик паспортида қуйидагича ёзилган: Ядгаров Тулкун Гапурович. Хўш, бундай “дурдона ёзувлар”нинг тақдири нима бўлади? “Йўл харитаси”нинг 16-бандида кўрсатиб ўтилишича, “Ўзбекистон Республикаси фуқароси шахсини тасдиқловчи гувоҳномалар, ID-карталар, фуқаролиги бўлмаган шахс ҳамда чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини такомиллаштирилган лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосида бўлишини таъминлаш” амалга оширилади. Демак, ҳозирга қадар ўзбек кирилл алифбосида нотўғри ёзиб келинган исм ва фамилияларни ўзбек адабий тили қоидаларига мувофиқ тарзда ёзиш имконияти яратилади.

Ёзув, аслида, миллатнинг юзи ва кўзи ҳисобланади. Айниқса, жой номлари, кўча ва майдонлардаги ёзувлар, реклама ва эълонлар матни, кўргазмали қуроллардаги, транспорт воситаларидаги турли ёзувлар имло қоидаларига мувофиқ ёзилган бўлиши шарт. Чунки биз бундай ёзувларга ҳар куни, ҳар соатда дуч келамиз. Агар улар ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқ тарзда ёзилган бўлса — бош устига. Агарда кириллча ёзувда имло хатолари билан берилган бўлса-чи? Демак, бундай ҳолатлар ҳам лотинча алифбомизда тўлиқ бартараф этилиши зарур. Бу — она тилимиз олдидаги ҳам фарзимиз, ҳам қарзимиз.

**Равшан ЖОМОНОВ,**
**Ўзбекистон давлат хореография академияси профессори, филология фанлари номзоди**

# ТАНҚИД МАДАНИЯТИ ҲАҚИДА

**Давоми, бошланиши 1-саҳифада**

Чунончи, “Кун.уз” сайти яқинда “Адабий тарсаки: Адабий танқидчи Жовли Хушбоқ шеърга юзаки ёндашаётган шоирларни санади”, деган бир мақолани жориялади. Ҳажми жуда катта бўлгани учун мақола иккига тақсимлаб дарж этилибди. Аммо сарлавҳасига қарабоқ, ажабланиб қолдим, шеърга юзаки ёндошадиганлар саналса... шу нарса тарсаки дейиладими? Танқидчининг иши тарсакилашми, ё бўлмаса, санашми? Адабий танқид одобиётга мансуб бўлар экан, бунда ҳам фасоҳат, заковат каби фазилат... жиллақуриса, бир қадар одоб бўлиши керак эмасми?

Мен Жовли акани фидойи, нозиктаъб адабиётшунос, деб биламан, кўп ўқиган, кўп нафис давраларни кўрган, ҳалол инсон сифатида ҳурмат қиламан. Бироқ ушбу мақола билан танишиб чиқиб, унинг сўз санъати равнақи йўлида эмас, балки ранж ва... яна билмадим, алланималар таъсирида ёзилганини, мунаққид холис ёндошиш ўрнига, “холис ва ҳақгўй экани”ни бир кўрсатиб қўйиш учун қоралаганини кўриб, ҳафсалам совугандай бўлди.

Аввало, камина танқидчи эмас, бунинг устига, “танқидни танқид” деган нарсани жинимдан баттар ёмон кўрар эдим, бироқ мен ўқиган бу мақолада бугун ижод қилаётган ўттиз нафар шоир ижоди “таҳлил”га олинган бўлса, Сирожиддин Саййид, Нодир Жонузоқ, Абдулла Шер – шу учовидан бошқа ҳаммани пучакка чиқариб ташлаганини кўриб, индамаслик розилик аломати бўлиб қолмасин, дея “ҳой, унчалик эмас”, деб айтгим келди.

Аввало, таҳлил методининг ғалатилигини қаранг: мунаққид у ёки бу ижодкорнинг бирон тўртлигини тарозисига солишга чоғланаркан, олдидан салбий баҳосини беради-қўяди. Масалан “Ҳатто ўртамиёнадан ҳам паст, публицистик руҳ уфуриб турган шеърлар битиш баҳсида ғолибликни қўлдан бермай келаётган (фалончи) қуйидаги сатрларида ҳам аравани қуруқ олиб қочишга уста эканлигини намойиш эта олган”, деб субъектив баҳосини бериб бўлгач, шеърдан бир парчани пеш тутади. Албатта, қоралаш учун бирмунча заиф чиққан тўртлик қидириб топилади ҳам. Аммо тўрт ё саккиз мисра шеър бутун ижодга ойна бўла оладими? Агар, ҳа, бўла олади, десангиз, бир шеърдан олинган мана бу икки тўртликка ўзингиз баҳо беринг:

**Боқиб қолди ботирнинг**
**Орқасидан нигорлар.**
**Хайр сизга, алвидо,**
**Қўрқув билмас шунқорлар.**

**Йўлингиз кутли бўлсин,**
**Шер қадамли қаҳрамон.**
**Лекин асло, эй арслон,**
**Қайтмагил бу йўлдан...**

Бу – Ғафур Ғуломнинг бир шеъридан парча. Хўш, “Сен етим эмассан”, “Вақт”, “Соғиниш” каби доҳиёна шеърларидан кўз юмиб, бу икки тўртликни пеш қилиб, улуғ шоирни қоралай бошласак, ўринли бўладими? Йўқ, албатта. Ҳеч бир шоир мен фақат биринчи сорт шеър ёзаман, деб айтолмайди. Демак, бирон тўртликни “дастак” қилиб олиб, нафақат шоир ижоди, ҳатто ана ўша шеърнинг ўзига ҳам узил-кесил баҳо бериш ўринсиз.

Ва ниҳоят учинчидан, ўртамиёнадан ҳам паст, деб баҳо берилаётган шеърларнинг айби – улардан “публицистик руҳ уфуриб турган”лиги эмиш. Наҳотки, бу гапни журналистика факультетини хатм қилган адабиётшунос айтаётган бўлса? Мен, билъакс, юксак бадиият намунаси бўлган чинакам шеърларда, албатта, публицистик руҳ уфуриб туради, деб биламан. Чўлпон, Абдулла Ориповнинг энг яхши шеърларида публицистик руҳ устувор-ку! Қачондан бери публицистика паст нарса саналадиган бўлиб қолди?

Юқоридаги “баҳо” яхши шеърлари билан танилган Ғайрат Мажид ижодини бир чирпиниш билан белгилашга уриниш асносида берилган. Энди ўзингиз айтинг – танқиддан мақсад холис баҳолаш, лозим ўринда маслаҳат бериб, шоирга кўмаклашишми, ё “аканг қарағайни кўриб қўй”, деган иддао билан ижодкорнинг шаштини қайтариш, ҳафсаласини совутишми?

Осилсанг, баланд дорга осил, деган мақолнинг маъноси – ҳимматингни баланд тут, майда нарсаларга ўралашма, демак. Уни, осилсанг каттасига осил, деб тушуниш баъзиларни чалғитаётган кўринади. Танқидчи Ёзувчилар уюшмаси раис ўринбосарларидан сўнг халқ шоирларига, депутат ё сенат аъзоларига, ташкилотларда раҳбар бўлиб ишлайдиган шоирларга осила-осила, охири хийла “паст”га тушади: бир-икки жўнроқ ижодкорларни ҳам аччиқ-тизиқ сўзлар билан “сийлаб”, мақола(лари)ни бас қилади.

Мунаққид оғамизнинг “Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси ёрдамчиси Жўрабек Жаҳон ҳали шеър нима эканлиги ҳақида тасаввурга эга эмас”, сингари ҳукмларни ўқиб, агар танқид шу кепатага тушган бўлса, ҳолига вой, деган хулосага келиб қолдим, азизлар. Бу сўзларни бирон туман газетасида, мактаб ўқувчиси ёки агрономнинг машқларини обзор қилиб бериш асносида битиш балки мумкиндир, бироқ ўшанда ҳам хийла қўпол. Жўрабек Жаҳоннинг шеърларини холис кўз билан қараб ўқиган одам эса асло бундай демайди. Сонияն, шеърни баҳолашга чоғланяпсиз, шундай экан, уни ёзган одамнинг қаерда, қайси лавозимда ишлашини хабар қила беришдан мурод нима – мана, мен шундай жасоратли кишиман, дейишми? Йўқса, “сенатор Фармон Тошев мансабдорларнинг бадиий савияси паст шеърлар ёзиш имтиёзи бор, деб ўйласа керак. Акс ҳолда қуйидаги ғариб мисраларни тизмаган бўлур эди”, сингари аччиқ-тизиқ гапларни тиза бермаган бўлар эди.

Баҳодир Исо, Энахон Сиддиқова, Маҳмуд Тоир, Рустам Мусурмон, Ботиржон Эргашев, Менгнор Олломурод, Баҳриддин Садриддинов, Муҳиддин Абдусамад, Бахтиёр Генжамурод, Хуршида Ваҳобжон қизи, Мунаввара Усмонова, Салим Ашур, Ўткир Раҳмат, Икром Отамурод, Ориф Тўхташ, Эшқобил Шукур, Шоди Отамурод, Ориф Ҳожи, Амиркул Карим, Минҳожиддин Мирзо, Ашурали Боймурод, Фахриддин Ҳайит, Абдусаид Кўчимов, Даврон Ражаб, Исмоил Маҳмудлар ҳақида “Қани асарда сир, сеҳр?”, “у оддий, эҳтироссиз ва рамзларсиз сўзлардан иборат сатрларни шеър, дея газетхонларни очиқдан очиқ лақиллатиш, алдаш йўлига тўйиб олган”; “бадиий жиҳатдан бўш асарни миллионлаб шеър мухлисларига тақдим этишдан уялмаган”; “бу сатрлар мадҳиябозликдан бошқа нарса эмас”; “ҳароратсиз сатрларни ҳам асар, деб ўйлайди, уларни ўқувчи дастурхонига қўйишдан олдин бу бадиий неъмат аслида сифатлимикин, ширинмикин, деган савол хаёлига келмайди ҳам. Эҳтимол, шеъриятда бадиийлик ҳақида етарли тасаввурга эга эмасдир?” сингари, эллик-олтмиш йиллар бурунги “тақриз”лар услубига хос трафарет жумлаларни қалаштиради, баайни бирон жиноятчини тутиб олиб, фош қилаётган йўсинда қалам тебратади: “Шоир Оллоёр Бегалиевнинг шеъри эса ўртамиёнадан ҳам паст, дейишга лойиқ.... Фахриддин Ҳайит тизган бу сатрлар бадиийликдан йироқ эмасми? ...шоира Лайло Шарипованинг ёзганлари аслида шеър эмас, Муҳиддин Абдусамад, Шоди Отамуродларнинг шеърида бадиийлик, қайноқ туйғулар етишмайди. Сатрлар муз каби совуқ... Икромжон Аслий баёнчилик тузоғига илинган”. Ва ҳоказо...

Мақола охирига келибгина, мунаққиднинг ёдига ўз вазифаси тушади: “Сиз юқорида ўқиганингиз бадиий жиҳатдан юксак бўлмаган шеърларнинг ҳар бирини илмий ва эстетик жиҳатдан батафсил, янада чуқурроқ таҳлил қилиш мумкин эди. Аммо бунинг учун яна 5-6 саҳифани қоралашга тўғри келарди. Мақоланинг ҳажми ниҳоятда катта бўлиб кетишини истамадим”. Тавба, йигирма бетлаб қоғоз қораланар, йигирма-ўттизлаб шоир дўппосланар эмиш-да, чинакам танқид – атиги беш-олти бетлик илмий-эстетик таҳлилга келганда ҳажм торлиги ёдга тушиб, бирон-бир шоирнинг лоақал биронта шеъри таҳлил қилинмас эмиш.

Хўш, бу шоирлар ижодини “бир мисолу бир жумлалик баҳо” йўсинида тафтиш қилишдан, аввал “Адабий тарсаки” деган мақола, кейин эса деярли шунинг ўзини давлат раҳбарига “Очиқ хат” йўсинида тақдим этишдан муддао нима эди? Буларнинг қайси бири чин шоиру бошқаси мундайроқ эканини аниқлаб берсангиз, деб биров сўраганмикин ё?

Бунинг таги бояги “Очиқ хат” якунида бир қадар очилгандек. Мунаққид Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасини вазирликка айлантириш, кимни қайси журнал ё газетага бош муҳаррир қилиб ишга олиш сингари масалаларда обдон йўл-йўриқ бериб бўлгач, ниҳоят, ёрилади: “Ёзувчиларнинг ижод уйи фаолияти яхши эмас. Ижод уйига ижоддан бехабар киши раҳбарлик қилаётир. Мени (ёки бошқа бир ижодкорни) шу ташкилот раҳбарига ижодий ишлар бўйича муовинликка ишга олсин – бу ерда ижод қилаётганлар сонини ҳозиргидан 2 бараварга кўпайтирса бўлади... Нега ҳақиқий адибларнинг 20-30 нафарига йил бўйи келиб, бепул ижод қилишига имтиёз йўқ?... 700 минг сўм пенсия олаётган мен – қашшоқ ижодкор бу пулни қаердан оламан? Мисол учун, мен эллик йил республика ва вилоят газеталарида ишлаб, ҳатто Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими ёки журналист унвонини ҳам ололмаганман...”

Албатта, биз ҳам ҳар бир фуқаронинг, айниқса ижод аҳлининг яхши кун кечиришини, хотиржам ҳолда асарлар яратишини истаймиз. Давлатимиз ҳам шу йўлда ҳаракат қилаётибди. Бироқ қай бир сабабларга кўра кимдир сал камҳаржроқ бўлиб қолган бўлса, Исонинг аламини Мусодан олиб, бошқаларга осилиш, уларни бўлса-бўлмаса танқид қилиш, кимнингдир бўшроқ асарини топиб олиб, “пўстагини қоқиш”га киришиш оқсоқол адибларга ярашадиган иш эмас.

Танқид деган сўзнинг луғавий маъноси – нақдини ажратиш, саралашдир. Бинобарин, сара асарларнинг бадиий жозибасини илмий таҳлил қилиб очиб берайлик, ана ўшанда шоирнинг маҳорати ўзгаларга ҳам улги бўлади, адабиётимиз юксалади.

Бўш, савияси паст асарларни танқид қилиш-чи, деган савол туғилиши табиий. Асосли, холис ва беғараз, ҳар турли ўпка-гина, иддаолардан холи танқид ҳамиша керак. Ана шундай танқидга сал зорикиброқ турибмиз.

**Зуҳриддин ИСОМИДДИНОВ**

# ТАСВИРЛАРДА БУЮК СИЙМОЛАР

*Ўзбекистон Бадиий академияси тасарруфидаги Бухоро ихтисослаштирилган санъат мактаб-интернатида буюк бобокалонларимиз Мир Алишер Навоий ҳамда Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуди кунлари муносабати билан “Бобур ва Навоий сиймоларига назар” номли кўргазма бўлиб ўтди.*






Кўргазмада мактаб ўқувчи-ёшлари ўз ижод намуналари билан иштирок этди.

– Санъат мактабимизда “Устоз-шогирд” анъанаси самарали ташкил этилган, - дейди мактаб-интернат директори И.Баракаев. – Бугунги кўргазмада ўқувчилар назарий ва амалий дарсларда олган билим ва маҳоратини ранг ва қалам тасвир орқали намойиш этмоқда.

Шунингдек, кўргазма доирасида ўқувчилар Алишер Навоий ҳамда Бобур ғазал ва рубоийларидан намуналар ўқиб, асарлари асосида саҳна кўринишлари намойиш этдилар.

**ЎзА фотомухбири**
**Тоҳир ИСТАТОВ олган суратлар**




**Дилбар ҲАЙДАРОВА**
**“ҚУЁШ СОНАТАСИ”**

«Sharq» нашриёти, 2019.

Истеъдодли шоира Дилбар Ҳайдарованинг номи ўқувчиларга яхши таниш. Унинг гўзал сатрлардан иборат шеърлари ўқувчилар томонидан анча йиллардан бери эътироф этилиб келинади. Шоиранинг “Қуёш сонатаси” номли шеърий туркумига жамланган шеърлар эса ижодкорнинг янги қирраларини намоён қилган. Унинг Ватан, юрт, севги-муҳаббат, гўзал табиат мавзусидаги сатрлари ўз ўқувчиларини хушнуд этишига шубҳа йўқ.




**Дилшод РАЖАБ**
**“ХАЙРЛИ ТОНГ”**

“Muharrir nashriyoti”, 2019.

Дилшод Ражабнинг “Хайрли тонг” номли китобидан ўрин олган шеърлар, қатралар ўқувчини бир муддат гўзаллик оламига назар ташлашга ундайди. Ушбу китобда ҳаёт ва инсон, жамият ва табиат каби мавзулардаги фалсафий шеърлар жамланган. Уларда муаллифнинг синчков нигоҳи ва чуқур тафаккур тарзи ўзига хос бадиий талқинларда намоён бўлади.



**Асрор МЎМИН**
**“ОРЗУ ВА ОҲУ”**

“Tafakkur qanoti” нашриёти, 2020.

Дунёда шоир борки, муҳаббатга атаб бадиалар, шеърлар, достонлар битади. Асрор Мўминнинг “Орзу ва оҳу” номли китоби бугун ўқувчилар томонидан севиб ўқилмоқда. Китобда муаллифнинг кейинги йилларда ёзган шеърлари билан бирга таржималари ҳам ўрин олган. Шу билан бирга унинг бир неча йиллар давомида яратган “Расул Ҳамзатов” ва “Қуш тили” драмалари ҳам киритилган.




**Ҳумоюн АКБАР**
**“СИМ-СИМ...”**

“Oydin” нашриёти, 2021.

Кейинги пайтларда китобларнинг сеҳрли олами кенгайиб бормоқда. Бу жараён китобхонга қайси китобни ва қандай ўқиш керак деган саволларни қўймоқда. Ўқувчи эса бунда ўзининг зийраклигини кўрсатмоғи лозим. Яқинда ўқувчилар Ҳумоюн Акбарнинг “Сим-сим...” номли китобидан баҳраманд бўлишди. Китобда китоб ҳақида, китоб ўқиш маданияти ҳақидаги буюк адибларнинг фикрлари ўрин олган.




**Зикрилла НЕЪМАТ**
**“НАВОИЙДАН НАВО ИСТАБ”**

“Muharrir nashriyoti”, 2021.

Истеъдодли шоир Зикрилла Неъмат ўзининг кўплаб китоблари билан кўпчиликка яхши таниш. Яқинда ижодкорнинг “Навоийдан наво истаб” номли мўъжаз китоби нашрдан чиқди. Ижодкорнинг ушбу китобида Алишер Навоий даҳосига бағишланган шеър-ғазаллар, бобомиз ғазалларига бағишлаб ёзилган назира ва мухаммаслар ҳамда шу руҳдаги қасида ва туюқлар жамланган.

АХТАМҚУЛИ



# ЮРТ ИШҚИ

*Достондан парча*

Пиряхтоғ домонида
Мислсиз боғ бор эди.
У боғларнинг бағрида
Нурли қишлоқ бор эди.
Шотирўдлик улуснинг
Кўнгли бундан шод эди.
Негаки, улар суйган
Манзили обод эди.
Элнинг моли ҳисобсиз
Қирга чиқиб кетарди.
Икки кечаю кундуз
Йўлни босиб ўтарди.
Тоғбегиси Мухтор кал,
Олов бўлиб ёнарди,
Одамлари донишманд,
Тонг отмай уйғонарди.
Ҳаёт гўзал, улуснинг
Бундан кўнгли тўқ эди,
Қалбларида заррача
Дарду ғубор йўқ эди.
Бир бурда нон топишса,
Бўлишиб ер эдилар.
Одам зоти одамга
Ғанимат, дер эдилар.
Эрта баҳордан чиқиб
Тоғларни боғ қилишар.

Боғда ҳикмат борлигин
Қишлоқ аҳли билишар.
Ҳавас қилиб яшарди
Кўрганлару билганлар,
Ўша элдек бўлишни
Орзу қилиб юрганлар...
Ўтиб кетди замонлар,
Қанча давру давронлар,
Мен ҳам ўша эл билан
Улғайганман ёронлар.
Кейин йиллар адашди,
Бойваччалар талашди,
Одамлар бир-бирига,
Душман бўлиб қарашди.
Полвонлари бор эди,
Элда номус – ор эди.
Сўнги пайтда уларнинг,
Борлиги бекор эди.
Боғ яратмай кимнингдир,
Боғларига боришди.
«Полвонларим» кексайган
Чоллар билан олишди.
Ўз қавмини унутди
Ваҳшийлашиб қолганлар,
Отасию онасин
Қарғишини олганлар.
Полвон деган улуғ ном
Ер бирла бўлди яксон.
Оналар кўз ёшидан
Ларзага тушди осмон.
Фалакдан нидо келди,
Дарди бедаво келди,
Тоғликларнинг бошига,
Энг оғир бало келди.
Қувғин қилинди улар,
Бағри тилинди улар,
Тупроғидан бир кунда,
Гулдек юлинди улар.
Қолиб кетди Пиряхтоғ,
Дил қонини ичган боғ,

Боболарим кулбаси
Вайрон бўлди ўша чоғ.
Ой улусни кузатди,
Букрини гўр тузатди,
Ювуқсизлар юртини,
Хоинларга узатди.
Қўлдан чиқиб кетганни
Тутиб бўлмас дедилар.
Қозилар ҳам порахўр,
Адолатсиз эдилар...
Ёнди қишлоқ, бобомнинг
Кулбаси олов олди,
Борлиқ кулга айланиб,
Тўрт томонни ёв олди.
Отам Ватан ишқини,
Юрагида яширди.
Ўлим билан олишгач,
Уни менга оширди.
Энди менинг кулбамда
Тунлар чироқ ўчмайди,
Хоинлар кўчиб кетди,
Аммо Ватан кўчмайди.
«Лолазорим Шотирўд»
Отамнинг армонлари,
Боболаримнинг сурган,
Осуда давронлари.
Билган билар, фалакнинг
Чархи қачон бузилган,
Ҳўкизларнинг арқони
Нима учун узилган?!.

Ер юзидан йўқолсин
Нодонликнинг балоси,
Достонимнинг оламга,
Эзгулик муддаоси.
Боболарни ёд этиб,
Ишқимни чўққа тутдим,
Ўт ичида ўзимнинг
Борлигимни унутдим.
Ватан бир парча ердан,
Юракка ранг оларкан.
Борган сари одамзод
Унинг қадрин биларкан.
Эй жўралар, ким ўйлаб
Кўрган шундай замонни,
Бугун дунё билади
Тинчлиги бор қўрғонни.
Адолатнинг байроғи
Қалбимизга қадалган,
Ер юзида тенги йўқ
Ўзбекистон яралган.
Оловланиб яшайлик,
Кўнгли илисин элни.
Ёшлар ўрганиб олсин
Дунёдаги бор тилни.
Ватан сўзи юракнинг
Қатида бўлсин доим.
Ҳеч бандани Ватансиз
Яратмасин Худойим!
Орзулару армонлар
Кўкка чўзаверсин бўй,

Тинчлик сўзин дунёнинг,
Пештоқига илиб қўй.
Оналарнинг кўз ёши
Беҳудага оқмасин,
Ношукрлар бойликнинг
Ҳажрида ўт ёқмасин.
Яратган барчамизга
Ризқни бўлган баробар.
Искандари Зулқарнайн
Йиғди тенгсиз симу зар.
Ўлган куни тобутда
Кафтини очиб кетди.
Йиққан молу мулкидан
Гўё у қочиб кетди...
Эй Яратган, ўзинг бер,
Ҳар бандага омонлик.
Жазосини оларкан,
Ким қилса гар ёмонлик.
Барча бало-қазолар
Ер юзидан йўқолсин.
Омади чопмаганлар
Отадан дуо олсин.
Оналар хоки пойин
Тавоф қилиб юрсинлар.
Ҳикмат ўша тупроқда
Борлигини билсинлар.
Одамзоднинг аъмоли
Қушдек учиб боракан.
Ватанга бўлган ишқу
Муҳаббати қоларкан!..



Холмуҳаммад КАРИМИЙ



# ОҚСОҚ ХИЗМАТЧИ

ҲИКОЯ

Халил нафақага чиқиши билан Вахшивордаги ота ҳовлисига кўчиб келди. Чарчаган мияни дам олдириб, бундан буёғига қарилик даврини қай йўсин ўтказишни ўйлаб кўришга бир-икки ой ўзини эркин қўйди. Шу кайфиятда болалиги ўтган қадрдон гўшанинг сокин ҳаётидан лаззатланиб юрган кунларнинг бирида кутилмаган бир меҳмон кириб келди. Соқоли кўксига тушган, полвонсифат нотаниш чолнинг қўлида бир халта юк, худди қариндошлардек меҳр билан қучоқ очиб кўришди. Шеробод тарафдан “Қизил олма”лик Тоҳир эканини айтиб батафсил тушунтира кетди: бир йили чолнинг боғини сел ювиб кетганида, унинг кўмаги билан қайтадан боғ қилибди. Янги боғнинг биринчи ҳосилидан меҳри тушган одами учун илиниб, сўроқлаб топиб келибди.

Халил воҳа бўйлаб турли идораларда ишлаган кезлари қанчалаб одамларга дуч келмади. Аммо шундай ҳам одам бўларкан-да, дея ажабланди. Сурхоннинг у четидан-бу четига йўл босиб, бир тоғ қишлоғини эринмай топиб келган содда чолдан ҳайратда қолди. Бош чайқаган кўйи халтага ишора қилар экан, қани кўрайлик-чи, совғангизни, дея жилмайди. Тоҳир чол эпчиллик билан халтанинг ипларини ечишга киришди ва қип-қизил олмалардан тўрт донасини олиб узатди. Олмани томоша қила туриб боғбоннинг самимиятидан ажаблана-ажаблана ташаккур айтди. Болаларча соф туйғуда қувониб турган соқолли гўдакка нисбатан меҳри жўшиб, уни меҳмонхонага таклиф қилар экан, “Райҳон меҳмон келди”, дея овоз берди.

Хизматчи оқсоқ аёл дастурхон тузашга киришганида Тоҳир чол хижолатда қолди. Оддий бир одамни кимсан бир арбоб ўз уйида меҳмон қилиши кутилмаган ҳодиса. Шу боисдан бўлса керак, ёнига қўйилган пар ёстиқларга ёнбош ташлашдан тортиниб чордона қуриб ўтирди.

– Иним, – деди Тоҳир чол дастурхонга ишора қилиб. – Сизни овора қилиб қўйдим, ҳеч шартмас эди. Мен олмаларни бераману қайтаман дегандим. Ахир, сизнинг шарофатингиз билан қайтадан боғ қилдим.

– Сиз шунча йўл босиб овора бўлмайсизу биз жойимиздан сал қимирлаганга овора бўламиз эканда, – дея Халил далда берганидан меҳмоннинг кўнгли ёзилиб ўзини эркин сезди.

Шу билан гап-гапга уланиб, худди юз йиллик қадрдонлардек суҳбат қизиди. Бундай бўлишини сира кутмаган Тоҳир чол яйрагандан яйради. Бу одамнинг қайси бир сифатини кўрмасин ҳаяжонга тушар, шунга мос гап тополмай энтикар, хизматчи аёлнинг ҳаракатларини кўрганда ҳайрати ортарди.

– Иним, сиз туғма арбоб экансиз, ҳар қандай одамнинг кимлигини билишингизга қойилман, хизматчингиз оқсоқ бўлса ҳам оёғи енгил экан, кўз очиб-юмгунча дастурхон безади, – дея қойил қолганини билдирди.

– Бир хизматчи танлашни билмасак, элга қандай бош бўлардик, оқсоқол, – дея Халил кулганча чолнинг соддалигидан завқи ошди.

Тоҳир уни ўзига яқин олиб гурунгга киришиб кетди.

– Сўрамоқнинг айби йўқ, янгамиз билан биргамисиз?

– Оқсоқол, соддалик қиляпсиз, хизматчини янгангиз бошқариб турмаса, дастурхон безалармиди. Дўқ уриб бир иш битириш мумкинми, айтинг ўзингиз, – деганча у яна ҳазил қилди.

Бундай бўлишини кутмаган Тоҳир чол эҳтиёткорлик билан дастурхондаги неъматлардан тотинар экан, жуда мамнун бўлиб бошини ирғаганча сокин бир кайфиятга тушиб гап бошлади.

– Иним, бахтли одам экансиз, чунки сиздаги фаросат қондан ўтганлиги шундай кўриниб турибди. Мен бир ўткинчи оддий одам бўлсам. Бегонани сийлаш ҳар кимнинг ҳадди эмас. Билишимча, отангиз тилла одам бўлган экан. Ундай одамлар нима қилишни билган. Муҳими келинликка энг муносиб қиз танлаган. Бу оилада мен кўрган файз аёл зотига тегишли гап. Отангиздан қанча миннатдор бўлсангиз шунча кам, иним. Агар у киши ҳаёт бўлганида бошимни эгиб ташаккур айтган бўлардим.

Халил дастлаб ҳазил-мутойиба қилган бўлса, энди ростакамига дил-дилдан роҳатланди. Шу кайфиятда ҳар доим ҳам дуч келавермайдиган бу одам билан дилдан суҳбатлашиб маза қилиш мумкинлигидан очилиб-яйраб кетганини ўзи ҳам сезмай қолди.

– Оқсоқол, зар қадрини билиш учун, аввало, заргар бўлиш керак. Келин танлаш ҳақида гап очиб қолдингиз, энди бир воқеани айтмасам бўлмайдиганга ўхшайди, – дея қувноқлик билан ўзи ҳақида гап бошлади.

Катта шаҳардан ўқишни битириб қайтган маҳаллар сочни тараб қуруққа ҳаволаниб юрган даврларини эслаб, отасининг тўйга тараддуд кўрганларини гапирди. Ўзи очиқ гапиришдан ийманиб кўнглига ёққан қиз ҳақида онасига шипшитганини маза қилиб эслади. Меҳмон бўлса, болаларча қизиқиш билан унинг оғзига тикилиб ўтирибди. Аммо отаси унинг айтган қизига рози бўлмаган экан. Бундан йигитларга хос кайфиятда қаттиқ хафа бўлибди. Бироқ уйдагилар қуда бўлмоқчи бўлган оила ҳақида эшитган чоғда баттар жазавага тушганини, аччиқ устида бир неча кун отасига кўринмай юрганда, ора-сира отангни норози қилма дея онаси эслатиб турганини айтиб берди. У оилани болалигидан яхши билганидан ҳеч ўзига келолмабди, ҳатто шу оилага куёв бўлишни лоақал бирор марта йўлига бўлсин ўйлаб кўрмаган экан-да. Аммо ота сўзида туриб олиб, ҳаётда эрдек яшайман десанг рози бўласан, деган шарт билан гапни кесибди. Йигит аввалига жаҳлдан тушибди, кейин ичидаги алангаи оташлар ўчибди. Вақт ўтиши билан ҳамма нарсадан кўнгли совиб ноилож рози бўлибди. Лекин аразы ҳамон тарқамаган бўлса ҳам урфга кўра тўйдан олдин қиз билан учрашганида юраги жиз этган экан. Юракда пайдо бўлган меҳр учқунлари бора-бора оила қўрғонидаги улкан бир меҳр-муҳаббатга айланибди. Ўша қиз билан унинг ҳаётига қут-барака, меҳр-оқибат кириб келибди. Албатта, оилали бўлгач, ўз рўзғор ташвишларига кўмилиб эл билан ишлайвергач, ҳаёт унга отанинг нақадар ҳақлигини кўрсатибди. Бу туйғуни ўзи ота бўлиб яна ҳам чуқурроқ ҳис этибди. Ўзининг ўғил-қизлари танлаган касбларига меҳрини кўрганда қувонибди, улар оила қуриб йиллар ўтиши билан ўз ҳаётидан мамнунлигини сезиб яна қувонибди. Отаси танлаган ўша келин барча қувончига сабаб бўлганини айтар экан, меҳмон роса яйраганидан яшанг, яшанг дея унинг гапларини қувватлаб турарди.

Меҳмон энди бу ёғига ёстиққа ёнбошлаб олиб, ўз қондоши билан гаплашаётгандек айрим тушунмай қолган жойларини суриштира кетди.

– Мен бир авом одамман, гапларимни оғир олманг тағин. Қиз хунукмиди?

– Кўп қатори буғдой ранг бир қиз, озгина туғма нуқсони бўлган. Шу боисдан йигитлик шашти билан жаҳл устида аразлаган бўлсам керак, – Халил дашт одамига мос тарзда гапни қисқа қилди.

– Ўз кўзим билан кўриб турибман-ку, айтганингиздек янгамиз хизматчи қўлига таомни тутқазмаса, бу оқсоқ ҳолига шамолдек елмас эди.

– Ана, гап бундай бўлибди-да, оқсоқол, фаросатингизга қойилман. Ғўр йигитликда ичимизда олов қайнаган, бўй қизларнинг ялтир-юлтир либосдаги кўриниши кўзимизга ойдек кўринган бўлса, қўшимчасига муқом қилганига учиб мойдек эриб кетаверганмиз. Шуйтиб, ияк осмонда бўлгандан кейин тупроқда ётган гавҳарни қайдан кўрардик.

– Хўб топиб айтдингиз, иним, гапни гапир уққанга, дейишган-ку, бунда катта ҳикмат бор. Дунёга сиғмай юрган олов йигитлар унча-бунчага отага бош эгавермайди.

Гапга қизиқиб кетиб орадан қанча вақт ўтганини билмай қолган Тоҳир чол патнисда қайноқ шўрва келтирган хизматчи аёлни разм солиб кузатди: юрганда оқсоқлангани билинса ҳам, эпчил ва саришталы ҳаракатлари нуқсонларини яшириб кетишини сезди. Бунинг устига хизматни чин кўнгилдан адо этишидан ҳайратда қолди. Кези келганда аёлга юрак-юракдан ачинди.

– Иним, гап келганда аяма дейишади-ку. Шундайин, бу хизматчи аёл ҳам жойи келса, бир қасрнинг маликаси бўладиган хислати бор кўринади. Лекин бунинг бахтига сизнинг отангиз каби одамнинг назари етишмабди, – дея чол бош чайқаб қўйди.

– Гапингизга қўшиламан. Қани таомни мақтал қилмайлик, овқатга марҳамат, – дея Халил дастурхонга таклиф қилди. Тоҳир чол ҳам бамайлихотир ўз уйидек овқатлана бошлади.

Ора-сира гап-сўз билан косалар бўшагач Халил яна хизматчини чақирди: “Райҳон, иссиқ овқатдан кейин бир салқинласак яхши бўларди”, – деб қўйди. Зум ўтмай бир лаъли лаганда қовун, иккинчисида тарвуз келтирган хизматчи аёлга меҳмон анграйиб қараб қолди. Билдики, қовун-тарвузлар аллақачон тайёр қилиб қўйилган, бўлмаса бунча тез келиши мумкин эмас. Шуларни ўйлар экан хизматчи аёлга тайинлади.

– Синглим, хизматингизга рози бўлинг, янгага ҳам ташаккуримни етказинг, бу кишининг гапларидан кўнглим яйраб ўтиргани устига, шўрва ичиб танам ҳам яйради. Шунча йўл юриб келишимни Худойим бекорга тақдир қилмаган.

Хизматчи аёл бош ирғаб қўйиб, чиқиб кетди. Меҳмон эса гапларим малол келмадими, деган андишада уй эгасига қаради. Ҳатто унинг роҳатланиб мийиғида жилмайганини кўриб яна гурунгга киришиб кетди.

– Хизматчи аёл сизнинг оилангизни беш қўлдай биладиган кўринади. Унинг ишлаётганига кўп бўлганми дейман, гапнинг бошини айтсангиз охирини ўзи тушуниб оляпти.

– Яшанг оқсоқол, тўғри топдингиз, оила қурганимдан бери бизнинг оиланинг хизматини бажариб келади. Шунинг учун хотиржам ўз ишимни қилиб юраман.

Тоҳир чол ўйга толди, бирдан жиддий тортди.

– Отангизга раҳмат, бор бўлинг, бу ишингизга қойилман. Бироқ ўзингиз тушунган одамсиз, қанча эл билан ишладингиз, сиз билан доим эргашиб юрган бўлса, бу аёлнинг кам-кўстсиз яшаётгани ўз йўлигаю инсонда энди, иссиқ жон ўз тенгини топгиси келади, – дер экан мезбоннинг гапларига киройи эътибор қаратмади. Оқсоқ хизматчига ачинганидан ўзи билан овора. Ҳатто шу гулдек аёлнинг қадим даврлардагидек чўрига айланганидан алланечук паришон. Отаси мажбуран уйлантиргани эвазига хизматчи ҳам қўшиб берган экан-да, деган ўйда мезбондан кўнгли қолиб хатосини барибир эслатиб қўйишга жазм қилганди. – Биз даштда тикка ўсган одаммиз, чиройли гапириш қаёқда, шунинг учун тилдан учган беадаб сўзим учун койисангиз ҳам майли. Ҳаддим сиғмаса ҳам ийиб кетганимдан гапириб юбордим.

Мезбоннинг айб устида қўлга тушган боладек гангиб қолганидан завқи келган Халил аввалига роса яйраб кулди. Кейин ўзини тўхтатиб олиб жиддий оҳангда тушунтирди.

– Оқсоқол, сиз бирон ёмон гап айтмадингиз, иккинчидан, бу аёл назардан четда қолганлигига сира ачинманг. Отамнинг назарига тушган, сал нуқсони бор қиз шу оқсоқ хизматчи бўлади. Аслини билсангиз, бу оқсоқ аёл сиз айтган янгангизнинг худди ўзи.

Икром ХОЛМАТОВ



# ЎЛКАН ЮЛДУЗЛАР

## ТОҒДА

Оҳ қизларжон, қўл ушлашиб,
Баҳор сабаб дил хушлашиб,
Келибсиз-да, гул излашиб,
Очилган деб Қураматоғ
Лолалари алвон-алвон.

Бу тоғ мағрур, ноласи йўқ,
Бошин силар онаси йўқ,
Сизга тутар лоласи йўқ,
Узоқлардан келибсизлар
Бўлиб бекор, сарсон-сарсон.

Бунда шоир сўзи йиғлар,
Қадим йўлбарс изи йиғлар,
Сўнгги оҳу кўзи йиғлар,
Ярми хазон арчазорда
Ҳайрон боқиб ҳар ён-ҳар ён.

Малҳам истаб, хаёл суриб,
Дўланага бошим уриб,
Турган чоғим сизни кўриб,
Қон дилимни тилди битта
Илтижоли орзу, армон:

Таққан бўлса ким кўзмунчоқ,
Бўлсин ўша қиз қизғалдоқ,
Ранги сомон бу тоғларнинг
Бағрин этиб шодон-шодмон.
Ким оҳу кўз — бўлсин жайрон!

Сайёдларга қилиб ҳужум,
Гўзалликка муштоқ кўзим,
Тоғларимнинг тинчин қўриб,
Майли, йўлбарс бўлай ўзим,
Бўлай сизга посбон-посбон.

## МУҲАББАТ

Тарс ёрилсин қароримдан юрак чўчиб,
Сен озодсан — бор, кетавер, қушдек учиб,
Пойдеворинг ҳам қолдирмай дилдан кўчиб,
Муҳаббат...

Йўлларингга кўзин тиккан муштоқлар кўп,
Парвонага илҳақ ёнган чироқлар кўп...
Фақат сендан бўлди менга қийноқлар хўп,
Муҳаббат...

Ошиқ-маъшуқ кезиб юрган боғларни топ,
Лола сайлин соғинган қир-тоғларни топ,
Ҳали сендан қўрқмас кўнгли соғларни топ,
Муҳаббат...

Энг аввало, макон айла бир қиз қошин,
Кўксингни тут, отса тақдир унга тошин,
Авайлагил, оқмасин ҳеч кўздан ёши,
Муҳаббат...

У қиз энди бегонадир, ўзгага ёр,
Нетай, бугун мендан кўпроқ у сенга зор,
Нолам ўша қиз бош қўйган ёстиққа бор,
Муҳаббат...

## БЕДОРЛАР

Уйига қамалган қиз қалбида чўғ,
Қўшни йигит оҳи вужудин ёқар.
Учрашмоққа бу тун имконлари йўқ,
Ҳовли ўртасида отаси ётар.

Йигит девордан бўй чўза олмай – дол,
Висол армонларин бағрига экар.
Сўнгги пайтлар бедор бўлиб қолди чол,
Гоҳида йўталиб, гоҳи нос чекар.

Йигитнинг қорайган нигоҳи оқар,
«Чолни ухлатгин», дер ҳилолга қараб.
Чол эса ундан ҳам олисга боқар,
Юлдузлардан қизи учун бахт сўраб...

Ошиқ илҳақликдан энг аввал толди,
Ноилож мизғиди болишин букиб.
Қиз ҳам ўз уйида жим ухлаб қолди,
Пар ёстиққа соғинч ёшларин тўкиб...

Кўкда юлдузлар бор қуёшдан улкан,
Кимларгадир улар сариқ тангача.
Ёшликнинг йўлида мингбитта қопқон,
Фақат ухламади чол то тонггача.

Тонг чоғи юлдузлар учиблар кетди,
«Бахт олиб келамиз», деб кула-кула.
Бедор чол қизининг тўйига етди,
Гоҳ нос чекиб, гоҳ йўтала-йўтала.

# АДАБИЙ АСАР — ТИЛ ҲОДИСАСИ

*1. Бугун яратилаётган насрий асарлар(роман, қисса, ҳикоя)да муаллифлар тил масъулиятини қай даражада ҳис этаётир?*

*2. Насрий асарлар тилини нималар бойитади, деб ўйлайсиз: халқона ибораларми, мақолларми, образли ибораларми? Тил нуқтаи назаридан пишиқ-пухта ёки сўз санъатидан бегона тилда ёзилган қандай асарларни кўрсатган бўлар эдингиз?*

1. Тилга масъулият масаласи азалдан долзарб бўлган. Чунончи, А.Қаҳҳорнинг адабий-танқидий мақолаларини ўқисангиз, бугун адабий жамоатчилик анча ардоқлайдиган шоир ва ёзувчиларнинг улуғ адиб найзасига дуч келганига гувоҳ бўласиз. Юзхотирчилик, аяб ўтириш йўқ. Адабиёт майдони муросаи-мадорадан устун эканига тағин бир бор иймон келтирасиз.

Не ажабки, бу билан адабиётда саёзлик, савиясизлик, юзакичиликка барҳам бериб бўлмади. Сабаби, адабиётга биргина Қаҳҳор эмас, қаҳҳорлар керак экан. Улар адабиётни дидсизликдан ҳимоя қилишади. Устоз Эркин Воҳидов бир шеърида шундай лутф қилади:

**Биз бир замон муҳаррир бўлдик,**
**Қисмат экан, бўлдикноширлар.**
**Ўлсак ёмон шеърлардан ўлдик,**
**Адо қилди нўноқ шоирлар.**
**Қўлёзмалар ўқирдик, дил ғаш,**
**Кўргуликдан оҳлар урардик,**
**Сўзи чалкаш, ўзи жанжалкаш,**
**Шеърбозлардан қочиб юрардик...**

Бу аллақайси замонда бўлган воқеа эмас, ҳар куни, балки ҳар соатда дуч келадиган муаммомиздир. Чунки бизнинг замонимиз қайсидир маънода саводсизлик "урф"га кирган кунларга тўғри келяпти.

Бир пайтлар Маҳмуд Саъдий домла университетларда таҳрир маҳоратини ўргатиш масаласида бонг урган эди. Минг афсус, энди бу муаммони тағин ким кўтарадию кўтарилганда нима ҳал бўляпти?

Эркин ака шеърини "сўзи чалкаш, ўзи жанжалкаш" бўлса ҳам ёзавериш керак, ёзишдан тўхтаб қолмаслик лозим, дегандай фикр билан якунлайди. Ҳа, адабиёт ўзани қуриб қолмайди, бунга шубҳа қилмаймиз. Адабиётнинг ўзи ҳам гоҳида кўтарилиб, гоҳида сокин оқа бошлайди, чоғи. Бугунги тинчлик замони шу сокинликка гувоҳ. Яшаётган асримизнинг бошида бир тадқиқотчи уюшмада бўлган йиғинда истиқлол шарофати билан ўн тўққиз-йигирма йил ичида мустақилликкача бўлган даврга нисбатан беш баробар кўп роман ёзилганини таъкидлади ва фикрининг исботи ўлароқ аввалги давр романлари билан бугун ёзилган романларнинг рўйхатини тақдим қилди. Бир йўла асарларни ким ўқиганию романларга бадиий нуқтаи назардан баҳо беришимизни, жиллақурса шу рўйхатга қараб баҳолашимизни сўради. Ғаройиб тадқиқот. Шундай эмасми? Аммо залга йиғилган ижодкорларнинг аксарияти ушбу романларни ўқимаган бўлиб чиқди. Ҳатто асарларнинг кўпи адабий жамоатчиликка маълум ҳам эмасди.

Йигирма йиллар бўлди-ёв, Зомин ижодкорлар семинарига бир қиз роман кўтариб борибди. Раисимиз Абдулла ака бу қизга эътибор қилинглар, деб тайинлади. Камина мазкур асар билан аллақачон таниш эканим, жуда бўш, жанр талабларига жавоб бермаслигини айтдим. "Ие, жуда катта-ку, наҳотки шунча нарсанинг ичида бирор гап бўлмаса", деб таажжубланди устоз. "Афсус, лекин арзийдиган асар эмас-да", дедим бўшашиб. Уюшма раисининг ёшлар билан ишлаш бўйича ўринбосари қўлёзмани ҳафсала билан мутолаа қилишга тушибди. Лекин у ҳам устозга бор гапни айтишга мажбур бўлибди. Муаллиф бизга ишонмай раиснинг эшиги атрофида ўралашиб юрган кунларнинг бирида ниҳоят устоз ичидагиларни унга ёрибди. Кабинетига бошлаб кириб: "Қизим, биласанми, мен шу ёшга кириб роман нари турсин, "роман" деган сўзнинг ўзидан ҳам қўрқаман, лекин сен дўмбира қилаётган асарингни жиддий адиблар ўқиб чиқиб фикр айтишди, сенга ҳам айтишган экан. Нега бунча ҳовлиқасан, индамаса, кўкка сапчийсан, сал уялгин, бошқа соҳада қинғир ишлар ёпилишини эшитганман, бироқ адабиётда сохтакорликнинг бугуноқ миси чиқади. Сен ўзингни бундай катта чоғлама, камтар бўлиб, сабр билан ижод қил, бўптима?" депти. Шундан кейин роман ёзғич қизимиз нимагадир бутунлай кўринмай кетди...

Бир қарашда бугун роман ёзиш чўт бўлмай қолганга ўхшайди. Аслида-чи? Биргина ҳикоя ёзишни ўйланг. Чинакам яхши асар дунёга келиши... эҳ-ҳе, кони азоб-ку.

Ҳар йили Ёзувчилар уюшмасининг шафеълигида ўнлаб ёш ижодкорларнинг биринчи китоблари чоп этилади. Бу осон иш эмас. Рости, истеъдодлилари жуда кам. Истеъдоднинг биринчи белгиси – тил. Тилда оқсадими, қолгани бир пул. Ёшлар тугул баъзи улғайганроқлар ҳам ибора ва мақолларнинг таг маъносини тушунмайди. Бир синглимизнинг биринчи китобига тақриз ёзишга тўғри келди. Қаҳрамонларидан бирини таърифлай туриб "тўрт мучали соғ" дейди. Айтинг-чи, тўрт мучал нима ўзи, деб сўрасам, елка қисади. Балки мучадир десам, шундай бўлиши мумкин, дейди. Табиийки, ўша тўрт мучани ҳам билмади. Залдан сўрасам, каттароқ ёшдагилар ҳам индашмади. Биринчиси қўл, а, иккинчиси оёқ, – давом эттирармикин десам, жимлик, – кўз... кейингиси киприкмиди... Тағин сукут. Шунақа, ибора, қочирим, гап тагида гап, ишора, керагида мақол қўллаш учун ҳам кўпинча сўз захирамиз етишмай қолади. Гоҳо билағонлик деб ишлатган сўзи хато бўлиб чиқади. Ҳолбуки, ўша синглимизнинг қўлёзмаси ўн минг нусхада китоб бўлиб чиқиб кетди...

Қаҳҳорни гапирамиз, лекин ўқимаймиз. "Ўткан кунлар"ни баланд пардада гапирамиз... билмадим-да. Холмирзаевни ўқияпмизми? Лоақал Э.Аъзам ёхуд Х.Султонни... Гоҳо қўлёзмалардан чарчаганда Шукур аканинг сайланмасини оламану кичикроқ бўлсаям бир ҳикоясини ўқиб қўяман. Димоққа ҳаво киргандай бўлади. Адибнинг, сезиб турасан, "ўтлаб кетишлари" ҳам ғаройиб. Профессионал-да. Эркин Аъзам, Хайриддин Султоннинг дастлабки ҳикояларидан бошлаб ютоқиб ўқиймиз. Яхши кўриб ўқисанг, мен кафил, ёзувчидан кўп нарса, айниқса, тил бойлигини ўрганасан. Шунинг учун узлуксиз, севиб мутолаа қилишда гап кўп...

**Собир ЎНАР**

*Филология фанлари доктори Мақсуд Асадовнинг "Соқийнома: тарих ва поэтика" ("Тафаккур" нашриёти, 2020) номли монографиясида Шарқ шеъриятидаги ўзига хос шеърий жанрлардан бири соқийнома ва соқийнома характеридаги бадиий асарларнинг тарихи, тараққиёт босқичлари ва ғоявий-бадиий хусусиятлари атрофлича тадқиқ этилган.*

# СОҚИЙНОМАЛАР

Муаллиф "Соқийнома поэтикаси ва генезиси" деб номланган илк бобда май, май базмлари, соқийнома мазмунидаги адабий асарларнинг араб, ҳинд, юнон, хитой, умуман, Европа ва Шарқ халқлари адабиётида қадимдан яратилиб келинганини асослайди, соқийноманинг жанр сифатида шаклланиши, тарихий такомили борасида асосли манбаларга таянади. Чунончи, мазкур мавзуда жиддий тадқиқотлар олиб борган И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, И.Ҳавий, Р.Жаним, Ф. Зеҳний, Э.Ризоий, Ш.З.Суфиев, Т.Кортантамер, А.О.Жўшкун, А.Қаюмов, Ё.Исҳоқов каби олимларнинг ишларига муносабат билдиради.

Тадқиқотчи рус, эрон, араб, тожик, турк адабиётшуносларининг соқийнома жанрига берган таърифларини изчил ўрганади ва энг асосий хусусиятларини уларнинг фикрларидан кўчирмалар келтириш орқали баён этади. Шунингдек, ўзбек мумтоз ва замонавий адабиётшунослигидаги назарий адабиётларга эътибор қаратади. Шу тариқа мумтоз адабиётда яратилган соқийномаларга берилган таърифларни янгилади, тўлдирди, нисбатан қатъийлаштириб, соқийноманинг жанр сифатидаги қуйидагича илмий асосланган изоҳини берди: "Соқийнома – соқийга мурожаат билан бошланган бир неча мустақил бандларнинг ғоявий-бадиий жиҳатдан ўзаро боғланиб, турли вазн ва шеърий шаклларда ёзиладиган, ахлоқий, ижтимоий, ирфоний ва маърифий фикр-туйғуларни ифода этувчи, инсонни некбинликка чорлаб, моддий дунё ғам-ташвишлари, ҳасрату аламларини енгиб ўтишга илҳомлантирувчи, ҳаётга фавқулодда яқин, воқелик нафаси уфуриб турган адабий жанрдир".




**Мақсуд АСАДОВ**
**"Соқийнома:**
**тарих ва поэтика"**

«Тафаккур»
нашриёти,
2020.

Монографияда соқийнома жанрининг мазмун-моҳияти, ўзига хос лирик композицияси, шаклий белгилари, ритмик характери, семантик структураси, стилистик табиати, бадиий-эстетик функцияси, лирик қаҳрамон ахлоқий қиёфаси, образ ва тимсоллар олами, ифода йўсини каби жиҳатлари билан мумтоз шеъриятнинг поэтик жанрлар силсиласида ўринлашиши мантиқий изчиллик ва кўплаб адабий манбаларни тадқиқ доирасига тортиш орқали ёритиб берилган.

Хусусан, "Ўзбек мумтоз адабиётида соқийнома характеридаги шеърлар" номли иккинчи бобнинг дастлабки фаслида XII-XV асрлар адабиётида битилган соқийноманинг илк кўринишлари ўрганилган. Муаллиф бу фаслда соқийнома шеърлар даврлар ўтиши билан ирфоний моҳият касб этиб борганини, Хожа Аҳмад Яссавий тўртликлари орқали бундай мазмундаги шеърлар янги босқични ташкил этганини бехато идрок этган. Айниқса, ҳикматларда эътиқодга содиқлик, илоҳий ишқни баланд пардаларда васф этиш, Ҳақ йўлига даъват қилиш, бу йўлга кирган соликнинг ранжу изтиробларини тасвирлаш каби диний, маърифий-ирфоний фикр-қарашлар ётишини мутасаввиф шоир ижодидан намуналар келтириб далиллаб беради. Шунингдек, бобда номалардаги бир муҳим хусусият, яъни: "Кел, эй соқий, кетургил бодаи ноб, Кула ўйнаю ичсунлар бу асҳоб" каби соқийга мурожаат келтирилган поэтик конструкциялар кейинчалик соқийнома жанрининг композицион қурилишида муҳим вазифа бажарганига аҳамият қаратади.

Муаллиф "Алишер Навоий соқийномаси" деб номланган бобда Навоий соқийномасига яхши назарий билим, катта муҳаббат ва қатъият билан ёндашганини таъкидлаш лозим. Мазкур бобнинг хулосасида ёзилишича, "Алишер Навоий соқийномаси нафақат ғоявий-бадиий хусусиятлари, балки ўзбек мумтоз адабиётида ўзидан кейин яратилган мазкур жанр намуналарининг тараққиётида беқиёс ўрин тутгани билан ҳам эътиборли".

Монографиянинг сўнгги бобида XVI–XIX асрларда туркий адабиётда яратилган соқийномалар ўрганилган. Хусусан, Фузулий, Мажзуб Намангоний, Нодим Намангоний, Аҳмаджон Табибий, Аваз Ўтар сингари шоирларнинг шу жанрда ёзилган асарларига махсус мурожаат қилинган. Қўқон, Бухоро, Хоразм адабий муҳитлари ва умуман туркий адабиётда яратилган соқийномаларнинг алоҳида хусусиятлари, анъананинг давом эттирилиши, янги образ ва тасвирлар каби масалалар, айниқса, яхши текширилган. Муаллиф хулосасига кўра, классик шеър жанрларини махсус ўрганиш жараёнлари соқийнома мазмунидаги шеърларнинг яратилиш табиатини чуқур тадқиқ этишни тақозо этади.

Шу ўринда яна бир мулоҳаза. Тадқиқот жараёнида жанрнинг миллийлик хусусиятига урғу берилса, таснифда миллий образлар тизими, анъанавий образлар, умуммиллийлик касб этган образларига ажратиш имкони туғилар эди. Шунингдек, бошқа халқлар, масалан, эрон, озарбайжон ёки усмонли турк адабиётида яратилган соқийномалардаги образлар олами ўзбек адабиётидаги соқийномалар билан қиёслаш асосида ўзига хосликларни кузатиш кейинги ишлардандир. Монографиянинг муҳим муваффақиятларидан бири шуки, ёш олим Навоийнинг соқийномаси чиндан ҳам мазкур жанрнинг энг классик намунаси бўлганини анча теран мушоҳада ва таҳлиллар билан тасдиқлаб берган.

**Сирдарёхон ЎТАНОВА,**
**филология фанлари номзоди**




***Суратда (чапдан):*** адиблар Туроб Тўла, Комил Яшин, Уйғун ва Асқад Мухтор.

**Муҳаммад АЛИ,**
**Ўзбекистон**
**халқ ёзувчиси**

# «УЛУҒ САЛТАНАТ»НИ

## *Тажриба ўрнида*

*Миллий адабиётимиз дурдоналари китобхонлар учун қанчалар севимли бўлса, бу асарларнинг яратилиш тарихини ўрганиш ҳам қизиқарли ва аҳамиятлидир. Қолаверса, устоз адибларнинг ижодий тажрибалари билан яқиндан танишув ва уларни ўрганиш ёш қаламкашлар учун маҳорат мактаби вазифасини ўтайди, адабиётшуносларга эса, мазкур асарларни таҳлил этишда муҳим омил бўлади.*

*Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг "Улуғ салтанат" эпопеясининг яратилиш тарихи ҳақидаги фикрлари эътиборингизга ҳавола этилмоқда.*

***Таҳририятдан***



Китобхонлар мендан: Амир Темурга бағишланган "Улуғ салтанат" роман-эпопеясини қандай ёзгансиз, деб сўрашади. Тўғри, давр катта, персонажлар ҳаддан зиёд, тарихий фактлар кўп, барини ёдда тутиб туришнинг ўзи бўлмайди... Шундай синчков ўқувчиларга жавоб бериш ниятида, ўз изланишларим ҳақида ёзишга журъат қилдим. Бунинг ёш ижодкорларга нафи тегса ҳам ажаб эмас.

Ҳар куни эрталаб соат бешда иш столига ўтираман. Дастлаб кеча ёзиб қўйган бир бетни ўқиб чиқаман, кейин уни таҳрир қилиб оққа кўчираман. Бу асар руҳига киришга, оҳангига тушиб олишга ёрдам беради. Таҳрир ҳам шу йўсинда бўлади: битган саҳифани ўзим овоз чиқариб ўқийман ва эшитиб кўраман... Шунда носоз жойлар яққол кўзга ташланади. Уларни, албатта, тузатаман. Ишнинг боришига қараб, уч ярим-тўрт соат ижод билан банд бўламан. Камида бир бет ёзаман, бугун қиладиган ишимни саҳарданоқ адо этиб қўяман. Кейин ишхонага кетаман, лекин қаерда бўлсам ҳам, хаёлимда бугун эрталаб ёзилган лавҳа туради, унинг давоми қандай кечишини кун бўйи ўйлаб юраман. Яна саҳарда ёзишни давом эттираман. Хуллас, айтиш мумкинки, ишга дам олиш учун бораман, уйга ишлаш учун қайтаман.

Айримлар, илҳом келмаяпти, ёзолмаяпман, дейди. Лекин илҳом – инжиқ нарса, ваъдага вафо қилавермайди, келишини кутиб ўтириш ярамайди, вақт кетади, илҳомни ***келтириш*** керак!

"Улуғ салтанат" эпопеясини ёзишда ана шундай тартибда йигирма йил (1993-2013) давомида иш олиб бордим. Аллоҳга шукр, битириш насиб этди. "Сарбадорлар", "Жаҳонгир Мирзо" романларимни қўлда ёзганман. Ҳозир компьютерда ишлайман.

Шуни айтиш керакки, Амир Темур даврини умрим бўйи ўрганиб келаман. "Гумбаздаги нур" достонимни ёзганимда йигирма беш ёшда эдим. Амир Темурга табу қўйилган даврлар эди, номини айтиб бўлмасди. Ижоднинг сирли усуллари бор... Достон Амир Темур ҳақида эмас, меъморлар ҳақида эди, мақбара қурилишига бағишланганди, лекин унинг ичида (мақбарада ҳам) Амир Темур ётарди. Достоним эълон қилинди, ҳатто мустақилликдан кейин бир нуқта-вергули ўзгармай мактаб дарслигига киритилди.

Темурбекнинг 24-30 ёшлик даври тасвирланган "Сарбадорлар" романимни ёзишда ҳам тарихни ўрганиш давом этди, бевосита "Улуғ салтанат"-га келганда эса, эпопея ниҳоятда чуқур ўрганишни талаб қилди.

* * *

Тарихий мавзуда ёзувчи бўлиш – икки карра ёзувчи бўлиш, деганидир. Ундан ёзувчиликдан бошқа ёзилаётган мавзунинг ипидан-игнасигача, икир-чикири(этнография, урф-одатлар, маросимлар, ўша давр географияси, шаҳарлар, қишлоқлар, йўллар, тоғлар, саҳролар, дарёлар, муомала маданияти, таомлар, кийим-кечаклар, ҳайвонот олами ва ҳоказолар)гача эринмай ўрганиб чиқиш, замон об-ҳавосини англай олиш, давр томир уришини сеза билиш, бошқача айтсак, олимлик, тадқиқотчилик талаб этилади.

Тарихни ёзгувчи ижодкор олдида даставвал икки муаммо кўндаланг туради:

1. Мавзуга бағишланган расмий тарихий асарлар, ҳужжатлар камлиги – "Сарбадорлар"да шундай ҳол юз берди.

2. Мавзуга тегишли тарихий асарлар, ҳужжатлар кўплиги – эпопея ёзишда шунга дуч келдим.

Чиндан ҳам, Соҳибқирон ҳақида ёзилган асарлар кўп. Лекин саралаб ўқимоқ керак. Рус, Европа, Америка олимларининг китоблари кўп ҳолда "шўрванинг шўрваси" бўлади. Биридан бири олиб, ўзлари билганлари, эшитганларини қўшиб китобни қаппайтиришади. Амир Темур ҳақида ҳар йили дунёда турли тилларда бир-иккита китоб нашр этилади. Барча китобларда Соҳибқирон, асосан, ***саркарда*** сифатида ёритилади, унинг ҳарбий юришларига урғу берилади. Саркарда – уруш – қирғин – босқинчилик – вайронагарчилик, қон тўкишлар... тизимида таърифланади. Салбий ранглар ва оҳанглар кучли. Шу сабабдан, ижодкор у китобларни эҳтиёт бўлиб, танқидий кўз билан қараб мутолаа қилмоғи керак. Аслида, ўшандай китобларга хамиртуруш бўлган ***асл манбалар***ни ўқимоқ шарт. Булар қандай асарлар?.. Улар еттита.

Биринчиси, ***"Темур тузуклари"***. Шу ерда бир нарсани айтиб ўтай. Соҳибқирон давлат бошига келгандан сўнг йигирма саккиз йил давомида ўзи, салтанати ҳақида биронта ҳам китоб ёздирмаган! "Тузуклар"ни эса, бутун умр давомида яратилган асар, деб ҳисоблайман. Соҳибқирон муаррихлар Ғиёсиддин Али билан Низомиддин Шомийга китоб ёзишни топширар экан, кўпчилик ўқийдиган китобни баландпарвоз сўзлар билан эмас, балки содда ва тушунарли қилиб ёзишни буюради. "Тузуклар"ни ёзишда ўзи ўз сўзларига содиқ қолганини кўрамиз.

Маълумки, Амир Темур 24 ёшгача бўлган болалик ва ўсмирлик даврлари ҳақида ёзилган китобларни, рисолаларни йиғиб: "Афсона бўлиб кетибди, бунга ким ишонади?" дея ўзи ёқдириб юборган. Шу сабабдан, Амир Темур шахси расмий тарихда фақат 1360 йилдан бошланади. Соҳибқиронда давлат тепасига келгандан кейин, йигирма саккиз йил деганда Ҳиндистон юриши олдидан (1398) Ғиёсиддин Али деган тарихчига китоб ёзишни буюриш фикри туғилади. Аввал Амир Темур ўша тарихчининг қандай китоблар ёзгани билан қизиқади ва унинг икки рисоласи билан танишиб кўргач, кўнгли таскин топиб, уни ҳузурига чорлайди ва Ҳиндистон сафарида бирга бўлишни, китоб ёзганда бўяб-бежамай, ҳақиқатни ёзишни, сафарни ёритиш асносида салтанатнинг бошланиш даврларига ҳам бир назар ташлаб ўтишни шарт қилиб қўяди. Бу китоб Соҳибқирон ҳақидаги биринчи асар бўлиб, ***"Ҳиндистон газовоти кундалиги"*** деб аталади. Учинчи китоб Низомиддин Шомийнинг ***"Зафарнома"*** асари ҳам Амир Темур розилиги ва топшириғи билан дунёга келган. Ушбу икки китоб Соҳибқирон назаридан ўтгани, ўзлари ўқигани билан қадрли. Тўртинчи китоб – Шарафиддин Али Яздийнинг мукаммал ва тўлиқ ***"Зафарнома"***си; испан элчиси Руи Гонсалез де ***Клавихо кундаликлари*** – бешинчиси; Ибн Арабшоҳнинг ***"Амир Темур тарихи"*** – олтинчиси ва еттинчиси Фасих Хавофийнинг ***"Мужмали Фасихий"*** хроникаси. Шу китобларга суянган адиб адашмайди. Бу китоблар Амир Темурни кўрган кишилар томонидан ёзилганлиги билан қимматлидир. Ҳар китобда янгиликлар бўлади, ўхшашликлар ҳам. Бу китоблардан фойдаланганда менга, албатта, бир-бирига муқояса қилиш, факт ва воқеаларни солиштириб кўриб, аниқлик киритиш жуда катта ёрдам берди. Дунёдаги бошқа китоблар бари шу манбалардан олинганини таъкидлаш жоиз.

Дунёни Амир Темурнинг ***фавқулодда Шахс, феномен*** экани, неча юзлаб жанглар ўтказиб, бирор марта ҳам енгилмагани тонг қолдиради. Лекин ёзувчининг дунё билмаган *ўз Амир Темури* бўлиши лозим. Соҳибқироннинг ўзига хос оламини яратиши керак. Ёзувчини ***Шахс ва унинг оламшумул фаолияти*** эмас, ***Инсон ва унинг қалбидаги тугёнлар*** қизиқтиради! Чунки тарихда – ***Шахс,*** адабиётда унинг номи ***Образ***дир.

Бадиий асар расмий тарихий шахсни кўрсатмайди, балки ўша шахс, шахслар фаолиятидан, ҳаётидан намуна олиб, умумлашма образни акс эттиради.

Ҳар бир мавзу муқаддас, шу сабабдан ёзувчи шу мавзуга киришар экан, қанчалар бунга маънавий ҳаққи, ҳуқуқи бор эканига диққат қаратиши лозим.

Ҳайратни кўрингки, бу улуғ зотнинг қўлида ўсиб-унган, тарбиясини олган набира Мирзо Улуғбек жаҳоншумул аллома бўлиб етишди. (Бирон ҳукмдор бу борада Соҳибқиронга тенг келолмайди!) Мен ана шундай нодир сиймо Амир Темурнинг ўзига хос дунёси, ҳали адабиётда — жаҳон адабиётида ҳам(!) – яратилмаган Инсон сифатида, ***инсоний ҳамда оилавий ҳаётини ёритишни,*** (жангларига эса фон сифатидагина гоҳ-гоҳда мурожаат қилишни), бир сўз билан айтганда – ***худонинг оддий бир бандаси*** сифатида кўрсатишни, ***қутлуғ ва улуғ хонадоннинг*** қувончу фароғат, армону ташвишларини тасвирлашни орзу қилдим... Зеро, мен ***тарих*** ёзмайман, ***асар*** ёзаман...

* * *

Асарда бош ғоя – ёзувчининг ижодий мақсади, нияти. Содда айтганда, унинг ўқувчига айтмоқчи бўлган сўзи, орзуси, армони, ноласи, дил сири... Бош ғоя, ижодий ният талаб қилса, албатта, ***тарихий мантиққа суянган ҳолда,*** ҳамма нарса, ҳатто тарихий фактлар, шахслар номи, саналар ва ҳоказолар истисно тариқасида ўзгартирилиши мумкин.

Тарихий романнинг отаси Вальтер Скотт "Айвенго" романида қирол Ричард I Шерюракни ҳаддан ташқари идеаллаштириб юборган, халқнинг қўллагувчиси ва ҳимоячиси қилиб тасвирлаган. Аслида расмий тарихда эса бу қирол халқни қашшоқлаштирган, бошига балолар келтирган зот эди. Муаллиф тарихни билмасмиди? Лекин у ***ижодий*** ниятидан келиб чиқиб, қиролни юқоридагидек ўзгартириб тасвир этди. Бунда ***сеҳрли тўқима*** бор эди...

Демак, бадиий адабиётнинг ўз талаблари бор бўлиб, ҳужжатларга, тарихий фактларга сира боғланиб қолмайди, балки парвозни юқорироқдан олади. Бу маънода тўқима унга қўл келади. ***Тўқима*** – ижодкорнинг ***ижодий ниятига*** қараб пайдо бўлади.

Бадиий тўқима тарихий фактни яхшироқ тасаввур эта олиш, уни асар ғоясидан, муаллиф мақсадидан келиб чиқиб, бош қаҳрамонни, бош ғояни, ёзувчи мақсадини нурлантириб бериш учун хизмат қилади. Лекин, албатта, мантиққа асосланган бўлиши керак.

Таниқли рус адиби Владимир Набоков ўзининг "Хориж адабиёти мавзусида маърузалар" китобида шундай ёзади: "Адабиёт, бу – тўқима. Тўқима, барибир, тўқима-да! ...Ҳар қандай катта ёзувчи – катта ёлғончи, аммо азалий ёлғончилар ёлғончиси бу – Табиатнинг ўзи... Ёзувчи улардан ибрат олади, холос". В.Набоков, мулоҳаза юритар экан: "Буюк романлар – буюк эртаклардир..." деган хулосага келади. Бу, албатта, ижод моҳиятидан келиб чиқадиган тушунча, англама.

Ёзувчининг ибрати – унинг фантазияси.

Биз адабиётдан, аввало, ***бадиий ҳақиқат***ни талаб қиламиз. Аристотель эса бундай сабоқ беради: *"Тарих – бўлган нарса, адабиёт – бўладиган нарса"*. Яъни у ҳали хаёл, фантазия...

# САНЪАТКОРНИНГ ҚЎШИҚ ГУЛШАНИ

*Таниқли санъаткор, миллий қўшиқчилик санъатимизга муносиб ҳисса қўшиб, замон билан ҳамнафас ижод қилиб келаётган бетакрор хонанда, Ўзбекистон халқ артисти Замира Суюнова ижросидаги қўшиқлар мухлислар қалбидан жой олган. Уста санъаткор ижодини нафақат бизнинг юртимизда, балки кўплаб хориж мамлакатларида, жумладан, Франция, Испания, Германия, Австрия, Туркия, Бирлашган Араб Амирликлари, Марокаш каби давлатларда ҳам яхши билишади.*



Мактаб давридаёқ катта ашулаларни айтиб юрган Замира ва опаси Зулфиядаги санъатга қизиқишни кўрган отаси икковини Қашқадарё вилоятининг Китоб туманидан Тошкент шаҳридаги Глиэр номидаги мусиқа мактабига ўқишга олиб келган. Бу даргоҳда хор дирижёрлиги йўналишида ўқиган З.Суюнова мусиқа мактабини тугатгач, Ўзбекистон давлат консерваториясига ўқишга кирган. Ҳали талабалик давридаёқ машҳур санъаткор Ғанижон Тошматов раҳбарлигидаги “Дуторчилар” ансамблида ижодий фаолиятини бошлаган. Замира опа 1984 йилда мусиқа раҳбари этиб тайинланган. 1994 йили, устоз санъаткор Ғ.Тошматов вафотидан сўнг бадиий раҳбар сифатида фаолият юритган.

Ўтган давр давомида илк қўшиғидан бошлаб, халқ лапарлари, яллалари, ашулалар, бастакорлар ижоди, ҳатто ўзбек композиторларнинг асарларини муносиб талқин этган ижодкор аста-секин маҳоратини ошириб борди. Унинг ҳар бир асарга алоҳида муносабати, ижродаги образни тингловчига етказиши, мукаммал талқинга қодирлиги қўшиқларида яққол намоён бўлиб туради. Айни вақтда бу фазилатлар устозлари — Ўзбекистон халқ артистлари Ғ.Тошматов, А.Исмоилов, К.Исмоилова, консерватория профессори А.Ҳакимова каби инсонларнинг ишончини оқлаганидан далолатдир.

Санъаткор ижросидаги “Ойбулоқ”, “Ишқ сели”, “Ишим бордур ўша оҳуда”, “Боғи шамол”, “Талқини баёт”, “Дугоҳи Ҳусайний”, “Билмам, адашдимми?”, “Аёл қалби” каби кўплаб қўшиқлари мухлислар қалбини чексиз қувончга тўлдиради. Яна ҳам муҳими, ҳар бир ижросида хушфеъллик, мулойимлик, фақат ўзигагина хос бўлган жозиба уфуриб туради.

З.Суюнова фақат қўшиқчи бўлибгина қолмай, яхшигина бастакор эканини ҳам қайд этиш лозим. У яратган олтмишдан ортиқ асарлар фикримизнинг далилидир. Жумладан, “Азиз диёр” (А.Орипов), “Ҳолинг нечук” (Ф.Афрўз), халқ сўзи билан “Келмадинг”, Навоий ғазалига “Ўзгача”, “Тенг тенгини топиши” (З.Убайдулло қизи), “Алла”, “Ватанни севмоқ саодатдур” (Э.Воҳидов) каби асарлари мухлислар қалбидан жой олган. Бугун ушбу тароналарни ёшлар ҳам севиб куйлаяпти.

Ижоди ҳақидаги суҳбатлардан бирида санъаткор ҳаёти ва фаолиятида “Дуторчилар” ансамблининг ўрнига тўхталиб, шундай деганди: “Агар 1979 йили “Дуторчилар” ансамбли ташкил этилмаганида, ким билади, балки ҳозир хор дирижёри бўлармидим...” Дарҳақиқат, ҳаёт ўзининг тасодифлари, кутилмаган ташвишу туҳфалари билан қизиқ. Зеро, З.Суюнованинг “Тановар – 2” қўшиғини куйлаб, бадиий кенгаш синовидан муваффақиятли ўтиши ҳамда ансамблга қабул қилиниши унинг хонанда сифатидаги келажагини белгилаб берди. Бу ерда хонанда ўрганиш билан бирга ўргатиш “дарси”ни ҳам ўтади. Қўшиқчиликка жиддий қизиқишини, ўрганишдан чарчамаслигини кўрган Ғ.Тошматов баъзида ансамбль билан ишлашни унга ишониб топширарди. Консерваторияда ўқишни тугатиб, шу жамоада ишда қолган З.Суюнова 1990 йили “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист” унвони билан тақдирланди. 1999 йили “Ўзбекистон халқ артисти” унвонига сазовор бўлди. Ижодий фаолиятини янада мустаҳкамлаш, айни пайтда ёш авлодни миллий мусиқий меросимизга муҳаббат руҳида тарбиялашга ҳисса қўшиш мақсадида 2002 йилдан Ўзбекистон давлат консерваториясида анъанавий хонандаликдан дарс бериб келмоқда. Юнус Ражабий номидаги мақом ансамблида ижод қилиб келаётган бир қатор хонандалар, “Дуторчилар” ансамблида фаолият кўрсатаётган кўплаб шогирдлари сафида “Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист”лар, “Ниҳол” мукофоти совриндорлари, “Ёш мақом ижрочилари” кўрик-танлови лауреатлари борлиги устознинг ютуғидир. Устоз санъаткор мураббий сифатида 2009 йили “Ғанижон Тошматов” монографик ўқув қўлланмаси, 2017 йилда “Анъанавий хонандалик” ўқув-услубий қўлланмасини, бир неча илмий мақолаларини чоп этди. Ҳозирда доцент сифатида фаолият кўрсатиб келаётган З.Суюнова илмий изланишларини давом эттиряпти. Кези келганда, бир нарсани айтиб ўтмасак бўлмас. Ҳар қандай оилада, айниқса, санъаткорлар оиласида ўзаро тушуниш, бир-бирини ҳис қилиш ижоднинг таянчидир. Шу маънода Замира Суюнова ва Абдураҳмон Холтожиевлар оиласига ҳавас қилса арзийди. Мақомни чуқур ҳис қилувчи моҳир чангчи, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист А.Холтожиев Замира опага ҳар томонлама суянч бўлди. Суҳбатлардан бирида З.Суюнова турмуш ўртоғи ҳақида шундай деганди: “Бу инсон нафақат катта истеъдод эгаси, балки меҳрибон, чидамли, оилапарвар экани билан ҳам кўпларга ўрнак бўларли. Мусиқа санъатига яқинлигимиз, кўпчиликка таниқли эканимиз, айниқса, ҳамкасб эканимиз ўзаро муносабатларимизнинг янада мустаҳкам бўлишини таъминлайди. Албатта, оилада ҳамма нарса бўлиши мумкин. Лекин бирор марта турмуш ўртоғимдан, тақдиримдан нолиган эмасман. Ҳамма нарсада келишув йўлини топишга, бир-биримизнинг кўнглимизни ранжитмасликка, қийинчиликни ҳазил билан енгиб ўтишга ҳаракат қиламиз”. Айнан шунинг учун ҳам бу оилада вояга етган икки фарзанд ҳаётда ўз йўлини топиб, келажак томон дадил одимлаб боряпти. Қизи Зилолахон онаси изидан бориб, “Дуторчилар” ансамблида фаолият юритаяпти. Ўғли Абдуллоҳ — тадбиркор.

Замира Суюнова куйлаётган қўшиқлар эса нафақат Ўзбекистонимиз, балки бошқа юртлар осмонида ҳам парвоз қилиб, ўзбек миллий санъати довруғини дунёга таратяпти. Унинг фақат ўзигагина хос майин, мулойим, дилга яқин овозидан таралаётган ҳар бир қўшиқ тингловчининг қалб торларини чертиб, уни қўшиқ чаманзорининг фақат Замира Суюновага хос бўлган боғига чорлаяпти. Зеро, халқ истаган, киши кўнглини нурафшон қилишга қодир бўлган қўшиқларнинг парвози баланд, умри узоқ бўлади.

**Мансур ЗОИРОВ**

# ҲУЖЖАТЛИ КИНО ҚАҲРАМОНЛАРИ

Кино санъатининг ҳар бир янги даврида ҳужжатли кино масъулиятли вазифани бажариб келган. Халқ, юрт равнақи учун маънавият йўлида хизмат этибгина қолмай, бадиий кино йўналиши учун янги мавзулар ва қаҳрамонларни кашф қилган. Масалан, Абдулла Авлонийга бағишланган бадиий фильм кейинги йилларда тақдим этилган бўлса, ҳужжатли экранда 1995 йилдаёқ Авлоний образи яратилган эди. Бугунги кунда ҳам шу анъана давом этиб, миллий қаҳрамонларимизнинг сиймолари ҳужжатли экранда гавдаланмоқда.



Айни пайтда Ҳужжатли фильмлар киностудияси томонидан миллий қаҳрамонларимизга бағишланган “Халқ юраги” рукни остида 24 қисмдан иборат фильм-портретларни суратга олиш ишлари бошлаб юборилган. Бунда М.Беҳбудий, А.Авлоний, А.Чўлпон каби жадид маърифатпарварлари, А.Қаҳҳор, Ғ.Ғулом, Ойбек, Зулфия сингари атоқли адиблар образларини яратиш мақсад қилинган.

Ҳужжатли фильм яратиш хийла мураккаб жараён. Масалан, кинорежиссёр Муроджон Одилов атоқли шоир Ғафур Ғулом образини гавдалантиришга бел боғлаган. Бу шоирга бағишланган фильм-портретлар бир нечта бўлиб, турли даврларда яратилган. Ана шу фильмларда қаҳрамон сиймосининг қайси қирралари очилмай қолган, халқимизга номаълум яна қандай ҳаётий фактлар мавжуд, деган саволларга ечим топиш режиссёр изланишларининг асосига айланди. Шоир А.Файнбергга бағишланган фильмда кинорежиссёр Александр Гамиров олдида ҳам шундай вазифа турибди. Тарихий шахсларга бағишланган фильмларда ўша давр воқелигини экранда акс эттириш ижодкорларга масъулият юклайди. Умуман, 24та фильм учун танланган қаҳрамонлар образларининг аксарияти ҳужжатли экранда илгари ҳам яратилган. Уларнинг бадиий-эстетик қиммати ҳам таҳсинга лойиқ. Албатта, олдинги фильмлар янгича талқинни инкор этишга сабаб бўлолмайди.

Айни пайтда ҳужжатли кинода янги қиёфаларни, миллий замонавий қаҳрамонларни кашф этиш ҳам долзарб бўлиб турибди. Масалан, Президентимиз илгари сурган беш муҳим ташаббус доирасида сўнгги йилларда турли соҳаларда илғор ва ташаббускор инсонлар ўз иқтидорларини намоён этмоқда. Улар мисолида бугунги кунда ёшларимизни ортидан эргаштира оладиган юрт фидойиларини кўрамиз. Уларнинг образини ҳам бугуннинг реал қаҳрамони сифатида экранга олиб чиқиш долзарб вазифалар сирасидан.

Назаримизда, ҳужжатли кино тарихда ўтган миллий қаҳрамонларни ёд этиш билан бирга янги, замонавий қаҳрамонларни излаш, кашф этишга эътиборни кучайтириши лозим. Ҳужжатли кинони бежиз “давр нафаси” деб таърифлашмайди. Бугуннинг нафасини бугун акс эттириш лозим, эртага бу кун тарихга айланган бўлади. Давлатимиз бюджетидан бу каби ҳужжатли фильмларга маблағ ажратилар экан, ҳужжатли кино санъати олдида вазифалар ҳам, масъулият ҳам ортиб бораверади. Бугунги давр ўзининг янгича талаблари ва имкониятлари билан намоён бўлиб турган экан, ижодкорлардан янгича қараш ҳамда изланишларни кутишга ҳақлимиз.

**Камолиддин ИСМОИЛОВ,**
**мустақил изланувчи**



*Суратда (чапдан)***:** мусиқашунос олим Аҳмаджон Жабборов, шоирлар – Зулфия, Ойдин Ҳожиева ва композитор Рустам Абдуллаев. 1985 йил (Тошкентдаги Ҳамид Олимжон ҳайкалининг очилиш маросимида).

# ШЕЪР ВА МУСИҚА УЙҒУН

Шу кунларда турли ташкилот ва муассасаларда улуғ аждодларимиз Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд айёмлари муносабати билан ўтказилаётган маърифий-бадиий тадбирлар Ватанимиз ижтимоий-маданий ҳаётида муҳим аҳамият касб этмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейида ўтказилган тадбир мумтоз адабиёт ва мумтоз мусиқа масалалари мавзусига бағишланди.

Семинарни лицей директори Р.Нигматов очди. Миллий гвардия қўмондонининг тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи З.Абдуллаев ҳазрат Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ижодига оид эътиборли маълумотларни тилга олиб, бу бебаҳо маънавий мерос мусиқа билан боғланган ҳолда ёш авлод тарбиясида муҳим ўрин тутишини алоҳида қайд этди.

Тадбирнинг бадиий қисмида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ғазаллари асосида тузилган концертга таклиф этилган хонанда ва созандалар ўз маҳоратларини намойиш этди.

**Д.КАМОЛОВА**

# ЁЗИШДА ИЗЛАНИШЛАРИМ

* * *

Роман қаҳрамонлари қаердан пайдо бўлади? Роман қаҳрамонлари бош қаҳрамонга қанчалар **боғлиқ, алоқадор** эканига қараб асарга кириб келади. Ёзувчи тарихий воқелардан зарурини териб олади. Бошқача айтсак, асарнинг ***бош ғоя***си, ёзувчининг ***мақсади*** ўзига керакли қаҳрамон-персонажларни ҳам, воқеаларни ҳам эҳтиёжга қараб ***ўзи танлаб*** олади ва роман аҳолиси сафига қўшади. Агарда тарихдаги воқеа ва шахсларнинг барчаси олинаверса, ёзувчи воқеаларни шундоққина кўчириб қўяқолибди-да, деган таъна остида қолади.

Лев Толстойдан: “Нега Анна Каренинани поезд тагига ташладингиз?” – деб сўрашганда, ёзувчи: “Мен эмас, ўзи ташлади!” деб жавоб берган экан. “Сарбадорлар” романини ўқиган китобхонлар, муаллифдан хафа бўлишиб: “Жаҳонбика билан Мавлонозодалар унаштириб қўйилган, тўйлари бўлиши керак эди... ундан олдин ўн гулидан бир гули очилмай ҳалок бўлишди, нега ундай қилдингиз?” деб сўрашди. “Афсуски, шундоқ, кошки ёзувчи ўзи истагандай, кўнгли хоҳлагандай ёзолса эди! Аммо ёзувчининг бунга ҳақи йўқ. У ***бадиий ҳақиқатга*** бўйсунади! Қолаверса, қаҳрамоннинг Худо берган ҳаёти, қисмати бор... Бу уларнинг ҳаёти... Уни ҳеч ким, ҳаттоки... ёзувчи ҳам ўзгартира олмайди”, деб жавоб бердим.

Романда ҳар бир қаҳрамоннинг бутун асар давомида воқеалар ривожида иштирок этишини таъминлайдиган ***ўз вазифаси*** бўлиши лозим. Масалан, Амир Темур даври тарихида Шамсиддин Олмалиқий деган шахс бор. У бир-икки марта элчилик мақомида кўринади. 1395 йилдаги жанг олдидан Тўхтамишхонга элчи бўлиб боргани муҳим. Унинг бошқа вазифаси йўқ, романга қаҳрамон қилиб олишга тоши босмайди. Ёзувчи унинг тарихдаги вазифаси – Тўхтамишхонга элчи бўлиб боришини романда бошқа образга юклайди. Демак, бу ерда факт – умуман, ***элчининг бориши***, тарихий ҳақиқатга зид эмас.

Асарда, иложи борича, кам персонаж қатнашиши мақсадга мувофиқдир. Бу асарнинг ўқишли бўлишини ҳам, ёдда қолишини ҳам осонлаштиради. Шу сабабдан ёзувчилар, айниқса, тарихий романларда камроқ шахсларни асарига киритишга уринадилар, бадииятнинг умумлаштириш усули йўлидан борадилар, бунга мажбур ҳам... Чунки ҳар бир киритилган Шахс романда образ даражасига кўтарилиши лозим ва ўқувчининг ёдида қолиши керак.

Асарда қаҳрамонларнинг хатти-ҳаракатлари ҳаётий, мантиқан тўғри бўлиши талаб этилади. ***Ишонтирувчи куч*** бадиий асарда катта аҳамиятга эга. Ўқувчи маълум бир ҳолатда қаҳрамон ҳаракатини кўриб, йўқ, бундай бўлмайди, бу ёлғон, деб китобни бир чеккага олиб қўяди, бу асарда ишонтирувчи кучнинг йўқлигини кўрсатади. Ўқувчи, асарни ўқиб, ҳа, бу тўғри, шундай ҳолда мен ҳам шундай йўл тутардим, мен ҳам шундай ҳолга тушганман, дея олиши керак.

Ёзувчи қаҳрамонлар, ҳолатлар, воқеларни шундай ўйлаб топиши керакки, ўқувчидан ҳам олдинроқ уларга ўзи ишониши лозим.

Чунончи, Амир Темур набираси Халил Султоннинг канизак Шодимулкка яширинча уйланганини эшитиб қаттиқ ғазабланади, аввал канизак қатл қилинсун дейди, Сароймулкхоним сўзларидан кейин, бир оз юмшаб, саройдан қувилсин, деб буюради, унинг набираси Халил Султонга эътимоди баланд эди. Сароймулкхоним ҳам ўз қўлида тарбия қилган амирзода Халил Султонни бағоят ардоқларди. Иккинчидан, амирзода ва канизак эт билан тирноқдай, ажратиш қийин... Ажратсалар, фожеа юз бериши мумкин. Нима қилиш керак?..

Бу ерда ечим топиш ёзувчи зиммасига тушади. Лекин бу ечим мантиққа тўғри келиши лозим. Амирзодани қутқариш учун, Сароймулкхоним ўйлаб-ўйлаб: “Шодимулкнинг бўйида бор...” дейди дадил. Соҳибқирон эса азалдан фарзандларга ўч... катта малика ана ўшандан фойдаланади. Ҳолбуки, Сароймулкхоним бахти қаро Шодимулкни ҳали кўрмаган, ҳомиласи бор-йўқлигини билмасди ҳам. Амир Темур: “Канизак, майли, саройда қолсин, бола туғилгач, малика Туман оқа тарбия қилсин, канизакни бир қулга бериб юборинглар!..” деб буюради. Ўқувчи бунга ишонади...

Манбаларда Тўхтамиш ўғлоннинг Самарқанд саройига келгани ва уни ўғил қилиб олингани келтирилади. Тўғри, бу тарихий ҳақиқат. Лекин бадиий асар ўқувчиси учун бу етарли эмас, ёзувчи Тўхтамиш ўғлонни қандайига ўғил қилиб олинишини ҳали ***асослаб бериши*** керак. Асослаш нима? Бу — ишонтириш кучи. Бунинг учун Амир Темурнинг ўша вақтдаги кайфияти, ҳолатини, умуман, руҳий вазиятини эътиборга олиш керак. Бу пайт қандай пайт эди? Салтанат валиаҳди Жаҳонгир Мирзо кутилмаганда йигирма ёшда оламдан ўтган, Соҳибқирон энг суюмли ўғлидан жудо бўлган, бағри бўшаб қолган... Қайғу-андуҳ ичра ўтирган Амир Темур қандайдир мададга муҳтож эди, қилт этган шамол ҳам унинг руҳини кўтаришга хизмат қилса, у ўшанга талпинарди. Шундай вақтда Тўхтамиш ўғлон кириб келади.

Яна бир воқеа. Хўш, нима учун Амир Темур уни ҳақорат қилган душман Йилдирим Боязидни қатл эттирмайди, аксинча, дўстдай кутиб олади, омонлик беради?.. Замон аҳли ҳам, ҳатто шаҳзода, амирзодалар, бошқа саркардалар ҳам таажжубга тушадилар. Бу ерда “Нима учун?” саволига жавобни ёзувчи излаб топиши керак. Ечимни Амир Темурнинг фавқулодда сажия-характеридан излаш лозим. Маълумки, Амир Темур, Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, олимларга (демак, одамларга ҳам!) меҳрибон, тенги йўқ феъл-атворли, чуқур мулоҳазали, қанчадан-қанча даҳо ва хуфёна фикру заковатга эга зот эди, ўлимдан қўрқмасди. У кўп жанглар ўтказиб, марду қўрқоқларни кўрди. У душман тарафда бўлса ҳам ***мардлар***ни қадрларди, ҳурмат қиларди, мардлар дунёга кам келади, қирқ-эллик йилда битта мард чиқади, дейди. Шу сабабдан, ҳамиша мардларни асрабавайлашни, улар ноёб кишилар эканини, душман бўлса ҳам нобуд этмай, аксинча, дўстга айлантиришни ўйлайди.

Анкурия ёнида бўлган жангда Рум аскарлари енгила бошладилар... Қайсарнинг катта ўғли Сулаймон Чалабий, қайиноғаси серб князи Стефан, бошқа саркардалар, Бурсада қўшин тўплаймиз, деб жанг майдонини ташлаб қочадилар. Боязиднинг ортида йигирма минг яничар захирада турарди. Унга вазият танглигини тушунтирадилар ва Бурсага чекиниш энг тўғри йўл эканини айтадилар... Йилдирим Боязид дарғазаб бўлади! Жанговар яничарларга бош бўлиб ўзи майдонга отилади! Боязиднинг мардлигини кўрган Соҳибқирон унга тан беради, жойида ўтиролмайди, орияти келиб у ҳам майдонга ташланади!

Амир Темур билан юзма-юз жанг қилолган бирдан-бир мард Йилдирим Боязид бўлади, у майдондан қочмайди. Ўша фавқулодда мардлик, шижоат туфайли Амир Темур уни ҳурмат қилади, иззатини жойига қўяди. Бирга сафарларга олиб юради, дастурхон атрофида кўп бор суҳбатлар қурадилар. Соҳибқирон ҳамиша Боязид кўнглини кўтаришга тиришади...

Боязиднинг оламдан ўтганини эшитганда, Амир Темур ўзини оламда ёлғиз ҳис этади, энди унинг билан тенглашадиган киши дунёда қолмаганидан афсусланади...

* * *

Тарихий роман тарихий воқеаларни кўрсатиб бермайди, балки ўша воқеалар ичида ҳаракат қилган ***Шахснинг қалбини очиб беради.***

Лекин адабиёт – тарихнинг кўчирмаси эмас. Адабиёт — шартли нарса. Роман, адабиёт – тўқима (русча ***вымысел,*** инглизча ***fiction*** – тўқиб чиқарилган), фантазия туфайли вужудга келадиган асар... Яна бир карра бадиий тўқимани эслайлик.

Айримлар, тарихий романни ўқиб, ўзига таниш шахсларни учратмаганидан ёки унга ёқиб қолган бирон воқеа тасвирини кўрмаганидан астойдил таажжубга тушади. Устига устак, асардаги унга маълум айрим воқеалар романда бошқа шахс билан боғлиқлигини кўриб, нима бу, тўқимами ёки англашилмовчилик, дея муаллифга ёзғирадилар. Тарихий роман (унинг замонавий мавзудаги романдан фарқи бор!) қонуниятларидан бохабар ўқувчи, албатта, бундай ўйламайди.

Тўқима образлар ҳаётий бўлиши керак. Мен ҳамиша тарихий шахс билан тўқима образларни ажратиб бўлмас даражада тасвирлашни яхши кўраман. Ўқувчи унинг қайси бири тарихий, қайси бири тўқима эканини билолмасин, ҳатто бу фикр унинг хаёлига ҳам келмасин. Қизиқ ҳодиса юз бердики, менинг романларимдаги айрим фантазия туфайли яратилган тўқима образлар (Садр Сулаймон, Ахий Жаббор баҳодир, Муҳаммад Чуроға додхоҳ, Сатторқул ва ҳоказо) бошқа роман ва достонларга “кўчиб” ўтиб, ***тарихий шахс*** сифатида бўй кўргиздилар! Бу, бир томондан, тўқима образларнинг ҳаётий чиққанини кўрсатади, лекин, иккинчи томондан, тарихий мавзуда ёзаётган шоир ва ёзувчиларимизнинг материални, тарихий жараённи яхши ўрганмаганларини ошкор этиб қўяди.

Асар тили икки хил бўлади: персонажлар тили, муаллиф тили. Персонажлар тили – тарихий бўлсин, ўша давр колоритини бера олсин. Лекин колоритни бераман, деб жуда бўяб-бежаб юбормаслик керак, чунки асар ҳозирги ўқувчи учун ёзилади. Муаллиф тили – замонавий бўлсин. Нима учун Лев Толстой “Уруш ва тинчлик” эпопеясида ўқувчининг ғашига тегса ҳам ярим бет-бир бет французча матнлар келтиради? Ҳарқалай, ўзининг тил соҳасида ўта билимдон эканини кўрсатиш учунгина эмас... Унинг қаҳрамонлари кибор доираларда тавозе билан гапирадилар, нозик ибораларни ишлатадилар, жайдари авом сўзларини оғизга олишдан орланадилар. Барчаси колорит учун керак. Бу ўша давр манзарасини акс эттиради.

* * *

Ёзувчи учун жуда муҳим, балки асосий жиҳатлардан бири – **сўз ва сўз билан ишлаш** ҳисобланади. Ёзувчининг асосий қуроли – **Сўз.** Сўзнинг қудрати чексиздир.

Энг аввало, ёзувчи ўқувчи билан ***самимий*** бўлишга тиришсин. Бу ёзувчининг Сўзига боғлиқ. Юқорида айтилди, қаҳрамонларга зуғум қилмаслик ҳақида. Яна айтиш зарурки, **сўзларни бўйнидан боғлаб ишлатмаслик, қийнамаслик** лозим. Улар эмин-эркин ҳаракат қилсинлар. Ҳар бир сўзнинг ўз ўрни бор, агар ўрни-ўрнига қўйилса, унда асарнинг **оҳанги** пайдо бўлади. Уни сақлаш керак. Ундан асар **мароми** (темп) келиб чиқади. Бутун асар давомида ҳаракатлар маромини бирдай тутиб бориш лозим, тезлашиб ҳам кетмасин, сустлашиб ҳам...

Ёзувчининг луғати, луғат бойлиги, деган гаплар машҳур. Ҳа, ёзувчининг сўз бойлиги – хазинаси. Сўзларни эртаклардан, халқ достонларидан, қадимий қўлёзмалардан (ифода шакли, усули қандай бўлишини ҳам ўрганардим), мумтоз асарлардан, одамларнинг гурунгларидан, кексаларнинг суҳбатларидан териб олардим. Масалан, биридан оҳорли сўзни олиб, иккинчисидаги бошқа сўз билан уриштириб кўрардим, сўз билан сўз уришганда учқунлар сачрайди – янги тушунча, янги маъно пайдо бўлади.

Сўзлар романга кираман, деб ўзаро қадр талашишлари керак. Энг муносиби танлаб олиниши жоиз. Сўзлар романга киролмадим, деб армонда қолсин. Шунга интилмоғимиз керак.

Насрда феълларни ишлатиш масаласи жуда муҳим. Иш-ҳаракатни кўрсатадиган бир неча фаол феъл сўзлари бор. Булар: **эди, деди, экан, бормоқ, қилмоқ, қолмоқ, кирмоқ, олмоқ, бўлмоқ, бермоқ, кўрмоқ, юрмоқ, солмоқ, келмоқ, турмоқ** ва ҳоказо. Уларга ижодкорда эҳтиёж кучли бўлади. Лекин ёзувчининг бу сўзларни кўп такрорлаб туриши ножоиздир. Бу унинг ожизлигини билдириб қўяди. Фикримча, китобнинг бир саҳифасида бу феъллардан битта, нари борса иккита ишлатилса, ўқувчи ғашига тегмайди.

Ижодда мукаммаллик нисбийдир. Ҳар тўкисда бир айб, деганлари шундан келиб чиқади. Мукаммаллик фақат Аллоҳга тегишли. Бошқасига нисбий кўз билан қарамоқ жоиз. Беайб ёлғиз Парвардигордир.

* * *

Халқнинг тарихи – ўтмиш. Ўтганларнинг яхши фазилатларини эслангизлар, дейилади муборак ҳадисда. Она халқимиз тарихига ҳам ана шу нуқтаи назардан боқишимиз лозим. Тарихда ёмон нарсалар ёмон хотира бўлиб қолади, яхши нарсалар эса ҳозир ҳам халққа хизмат қилиб келмоқда. Тарихнинг ибрати ана шунда.

Тарихга бир салом берган, келажакда юз эҳтиром топади.

**2014 – 2020**

## ГАЛЕРЕЯ: Ўзбекистон халқ рассоми Акмал Нур ижодидан намуналар


Муҳаббат боғида бир кун (2020 йил).


Ёмғир (2020 йил).


Оналик (2020 йил).


Оқ девор (2020 йил).


Вақт маликаси (2020 йил).

**Набижон ҚОДИРОВ**

## УЧРАШАМИЗ ХИРМОНДА

БОЛАЛАР БЕКАТИ



### Тарвузхўрлар

**Ўртоғим Акмал жуда
Яхши кўрар тарвузни.
Шунданмикан соғиниб
Соғиниб кутар кузни.**

**Ғаройиб бу одатдан
Келмас сира кечгиси.
Пўчоғини бергин, – деб,
Ирғишлайди эчкиси.**

### Тиргак

**Ҳосили мўл дарахтга
Қўйдилар таёқ тираб.
Хода аста минғирлаб
Сўзлай бошлади терғаб:
– Айт, кўтара олмасанг
Шунча мева не керак?
– Унда мен ҳам бўлардим,
Сен қатори бир тиргак.**

### Дурадгор

**Қизилиштон зўр уста,
Иштони қизил тусда.
Қушлар қийналмасин, деб
Уй қурганмиш уч юзта.**

### Шоир

**Шеър ўқибди Мусича
Шоир эмиш ўзича.
Ҳар қадамда тўқирмиш,
Зағизғоннинг сўзича.**

**“Ку-ку”ласа ландовур,
Олқишлабди тумонат.
Гап билгунча иш билсин,
Ин қуради омонат.**

### Пойлоқчи

**Ғазабга минди чумчуқ:
– Жўна тезроқ!
Чиқ-чиқ-чиқ!
Ялинади мусича:
– Бўлма бунча қизғанчиқ.**

**– Айтай, сен безорига,
Тинмас дил озорига.
Деҳқоннинг тинчин бузма,
Кирма буғдойзорига!**

**Осон тутма деҳқонга,
Қолдирмагин армонда.
Ўрилганда буғдойзор,
Учрашамиз хирмонда.**

### Топишмоқ

**Хўроз айтди
Зўр топишмоқ:
“Боши тароқ
Думи ўроқ”.
Ўйласа ҳам
Жуда узоқ.
Тополмасмиш
Жўжа бироқ.**

## Жавоб

ҲАЖВИЯ

Учқун Бўронович кўчага отланганда хотини зорланди:

— Кун бўйи сўрайвериб одамни хуноб қилиб юборишади. Жиллакуриса, қўлидаги рақамини айтинг, деб қисташгани қисташган… Энди қўл телефони олмасангиз бўлмайди...

— Кейин нима бўлишини биласанми? — зардалироқ оҳангда чиқди эрининг овози. — Бўлар-бўлмасга чақиравериб, бемалол ишлашга қўйишмайди. Икки-уч жойда ишлашдан ташқари, қанча таҳририят билан “Меҳнат шартномаси” тузиб қўйганимни биласан-ку…

— Хўп, бугун сўраганларга нима дейин?

— Факультетдан сўрасалар, бошқармадан чақириб қолишди, дегин, хўпми?



**Маҳмуджон ЭШОНҚУЛОВ чизган сурат.**

— Тўхтанг, ёзиб қўймасам, адашиб кетяпман. Хўш, бошқармадан сўраб қолишса?

— Вазирликдаман.

— Вазирликдан сўрашса?

— Халқаро анжуманга таклиф қилишганди, де.

— Бу ердан ҳам топа олмаяпмиз, деб қолишса-чи?

— Таҳририятдаман.

— Қайси бирида?

— Журналлар жойлашган соатли бинода.

— У ерда йўқ экан, дейишса?

— Газеталар биносида, де.

— Бу ёқларни ҳам қараб чиқдик, дейишса-чи?

— Нашриётдаман.

— Нашриётдан ҳам топишолмаса-чи?

— Уюшмадаман.

— Уюшмадан сўрашса?

— Миллий матбуот марказида.

— Марказда ҳам қораси кўринмаяпти, дейишса?




— Интернет клубида.

— Интернет орқали ҳам тополмаяпмиз, дейишса-чи?

— Ахборот хизматидаман.

— У ердан ҳар куни камида тўрт-беш марта сўрашади, — деди хотинининг кути учиб. — Бугун нима дейин?

— Тоби қочиб қолди, шифохонага кетди, де.

Сўнгги гапни айтганда Учқун Бўронович ўзига ўзи ғўлдираб қўйди:

— Худо кўрсатмасин…

— Қайси шифохонада эканини айтинг, дейишса?

— Шифохонадан чиқиб табибга кетган, деявер.

— Табиб оғайнингиз сўраб қолса-чи?

— Ўзи сизга қўнғироқ қилар экан, де. — Учқун Бўронович ўзининг гапига ўзи кулиб қўйди. Ҳаёт деганлари театрнинг ўзгинаси. Қара, ҳозирги ҳолатим худди Эргаш Каримовнинг интермедиясига ўхшаб кетяпти-я! Унга ўртоқлари “сен билан кеча кутубхонада эдик”, “иккимиз фалончини кўргани боргандик” деган қабилда ҳадеб тўқиб-бичавергач, ахийри у “мен бу ерда ҳам йўқман!” деб қичқириб юборади, ҳи-ҳи-ҳи…

Эри атай кулдириш учун айтган бу гапга у ҳатто тишининг оқини ҳам кўрсатмади. Аксинча, ранги-кути ўчганча дилидагини тилига чиқарди:

— Хўп, қаерга боришингизни лоақал ўзим билсам бўладими?

— Мутлақо!

— Нега? — қошлари чимирилди. — Мендан нега яширасиз?

— Оғзингдан лоп этиб чиқиб кетишидан қўрқаман, — деганча ўзи лип этиб остонага чиққан уддабурон эрининг қолган гаплари “шеърий” усулда бўлди:

*Мен дарёга қараб оқсам бўлдими!*
*Бўйнингга маржонлар*
*тақсам бўлдими!*
*Ҳеч кимдан кам қилмай*
*боқсам бўлдими!*

Сочига қиров қўниб ҳам қуюлмаган эрининг сўнгги сатрларидан дув қизарган хотини бугунги жавоблар рўйхатига қайта-қайта кўз югуртираркан, ўша қўнғироқ қиладиганларнинг ҳолини ўзича тасаввур қилганча “қаҳ-қаҳ”лаб кулиб юборди.

**Тўлқин ЭШБЕК**

## Ҳазил шеър

Онам менга қилганлар тортиқ,
Битта кўрпа, биргина ёстиқ,
Кимлигимга ишончли тасдиқ,
Битта кўрпа, биргина ёстиқ.
Ишончсизнинг тилаги йўқдир,
Кўп нарсанинг кераги йўқдир,
Юрагимни ёндирган чўғдир —
Битта кўрпа, биргина ёстиқ.
Хотинга ҳам етади ўша,
Зотимга ҳам етади ўша,
Узоқ вақтга кетади ўша,
Битта кўрпа, биргина ёстиқ.

Онам менга қилганлар тортиқ,
Битта кўрпа, биргина ёстиқ.

**Абдураззоқ ОБРЎЙ**

## Синаб кўрай-чи!

Афандидан сўрашди:

— Айтинг-чи, нега сахийнинг қўлида пул турмайдию бахилнинг қўлида пул туради?

— Сахийлар тоққа, бахиллар чуқурга ўхшайди. Пул эса ёмғирга ўхшаган нарса-да! Тоғлардан оқиб тўппа-тўғри чуқурга тушади.

* * *

Афанди дўсти билан ошхонага кирди. Чучвара сотиб олишди. У бирваракайига иккитадан чучварани оғзига солиб еяётганини кўрган дўсти сўради:

— Нега чучварани иккитадан оғзингга соляпсан?

— Учтадан сиғмаса нима қилай?

* * *

Афанди бир овчидан қарға сотиб олганди. Таниши сўради:

— Қарғани нима қиласиз?

— Бу қушни минг йил яшайди дейишганди. Синаб кўрай-чи!

* * *

Йўлда кетаётган Афандидан сўрашди:

— Қаерга кетяпсиз?

— Табибга.

— Соппа-соғсиз-ку! Табибда нима қиласиз?

— Навбат етгунча касал бўлиб қоларман!

ЭЪЛОНЛАР

### Тадбиркорлар ва сармоядорлар диққатига!

### “Ko`chmas mulk savdo xizmati”

### МЧЖ очиқ танлов савдоларига таклиф этади!

“Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖ томонидан ташкил этилган очиқ танлов савдоларига, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖнинг 2021 йил 18 февралдаги 39-сонли буюртманомасига асосан, “Чилонзор буюм савдо комплекси” АЖ ҳудудида қурилиши режалаштирилаётган савдо шохобчаларининг ижарага олиш ҳуқуқи қўйилмоқда:

1. 1 дона савдо шохобчанинг майдони-9,6м², савдо шохобчанинг бир м² учун бошланғич баҳоси 12 120 000 сўм, жами бошланғич баҳоси 116 352 000 сўм.

2. 1 дона савдо шохобчанинг умумий майдони 9,7м², савдо шохобчанинг бир м² учун бошланғич баҳоси 12 120 000 сўм, жами бошланғич баҳоси 117 564 000 сўм.

3. 1 дона савдо шохобчанинг умумий майдони 14,3м², савдо шохобчанинг бир м² учун бошланғич баҳоси 12 120 000 сўм, жами бошланғич баҳоси 173 316 000 сўм.

4. 1 дона савдо шохобчанинг умумий майдони 11,7м², савдо шохобчанинг бир м² учун бошланғич баҳоси 12 120 000 сўм, жами бошланғич баҳоси 141 804 000 сўм.

5. 1 дона савдо шохобчанинг умумий майдони 6,6м², савдо шохобчанинг бир м² учун бошланғич баҳоси 12 120 000 сўм, жами бошланғич баҳоси 79 992 000 сўм.

Савдода иштирок этиш истагини билдирган талабгорлардан аризалар ушбу хабарнома чоп этилган санадан бошлаб расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Талабгорларнинг таклифлари 2021 йил 23 март куни соат 11:00дан бошлаб кўриб чиқилади. Энг юқори таклифни берган талабгор билан сотувчи ўртасида келишув битими тузилади. Таклифларни қабул қилишнинг охирги муддати 2021 йил 19 март куни соат 18:00да тўхтатилади.

Савдога қатнашиш учун талабгорлар ёпиқ конвертда солинган таклифлари ва ариза билан биргаликда қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

- юридик шахслар учун давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси;

- жисмоний шахслар учун СТИР ва паспорт нусхаси.

Таклифи маъқул топилган талабгорга савдо ўтказилган кундан бошлаб 20 банк кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Талабгорлар ижарага олиш ҳуқуқининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги суммани закалат сифатида “Ko‘chmas mulk savdo xizmati” МЧЖнинг ХАТБ “DAVR BANK” Олмазор филиалидаги х/р:22604000204920609001, МФО:01121, СТИР: 207122519 га савдода иштирок этиш учун ариза топширгунга қадар тўлашлари шарт.

Савдо ташкилотчиси жойлашган, савдолар ўтказиладиган ва савдода иштирок этиш учун аризалар қабул қилинадиган манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй. Тел: (95) 199-12-21. (95) 195-12-21. www.kmsx.uz. Электрон почта: ko’chmasmulk@mail.ru.

*Лицензия RR-0001.*

### “Regionlararo mulk markazi” МЧЖ эълон қилади

“Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий фанлар ва ноорганик кимё институти”нинг 2021 йил 13 январдаги №1-10/8-040 сонли буюртманомасига асосан, очиқ аукцион савдосига чиққан автотранспорт воситаси, “Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси умумий фанлар ва ноорганик кимё институти”нинг 2021 йил 18 февраль №1-10/8-129 сонли хатига биноан автотранспорт воситаси савдоси бекор қилинди. **Манзил:** Тошкент шаҳар, М.Улуғбек тумани, Тўртариқ кўчаси, 11/2-уй. 97 155 08 21 90 971-20-00. Гувоҳнома №.880847

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари адиб

**Саъдулла СИЁЕВ**нинг

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва “Ижод” жамоат фонди жамоалари филология фанлари доктори, профессор Мухтор Худойқуловга ўғли

**Аброр ХУДОЙҚУЛОВ**нинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг “Ўзбекистон” нашриёти ижодий жамоаси етакчи муҳаррир Маҳмуд Бўронга онаси

**Зебо БЎРОНОВА**нинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

## Таваллуд кунлар


**Дилором Сайдаминова** – 27 февраль – композитор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси.


**Дилбар Иминова** – 27 февраль – миниатюрачи рассом, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.


**Аваз Маллабоев** – 28 февраль (1955) – бастакор, Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси аъзоси.


**Кошиб Омонов** – 28 февраль (1965) – миниатюрачи рассом, Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси аъзоси.


**Икром Акбаров** – 1 март (1921-2011) – композитор, Ўзбекистон халқ артисти.


**Толиб Мўминов** – 3 март (1971) – актёр, Ўзбек Миллий академик драма театри актёри.

## Маънавият дафтари

**Биз одам, олам ва жамият ҳақида жуда оз нарса билишимизни билишимиз учун ниҳоятда кўп нарса билишимиз кераклигини камдан-кам одам билади.**

***Қадимги ҳинд ҳикмати***



**O‘zbekiston adabiyoti va san’ati**

**Манзилимиз: Тошкент - 100083, Матбуотчилар кўчаси, 32**
**Электрон почта манзили: uzas.gzt@mail.ru**

Муассис: ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

Ҳамкоримиз: Imzo akfa

Бош муҳаррир **Салим АШУРОВ**

*Таҳририятга келган қўлёзмалар таҳлил этилмайди ва муаллифларга қайтарилмайди. Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.*

**Масъул котиб: Асрор СУЛАЙМОНОВ**
**Навбатчи муҳаррир: Абдумажид АЗИМОВ**
**Саҳифаловчи: Зафар РЎЗИЕВ**

Газета 2014 йил 26 ноябрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида томонидан 0283 рақам билан рўйхатга олинган.
Адади - 3361. Буюртма Г - 244.
Ҳажми - 3 босма табоқ, А-2.
Нашр кўрсаткичи - 222.
Ташкилотлар учун - 223. 1 2 3 4 5 6

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили: **Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**
Босишга топшириш вақти - 21.00.
Босишга топширилди - 21.40.

ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ
Сотувда нархи эркин.

ISSN 2181-614X

*Танқид ва адабиётшунослик бўлими: 233-57-42* *Санъат бўлими: 233-56-40* *Назм ва наср бўлими: 233-58-60*